

**Кўклам —  
меҳнат  
билан кўркам.**



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ўзбек халқ мақоли

1931-йилдан чиқа бoshлаган • E-mail: info@marifat.uz • 2013-йил 2-март, шанба №18 (8563)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кайд этиб ўтилсинки, иқтисодий тараққий этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда углеводород хомашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суьратлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало кўёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаш йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академиясининг "Физика-Кўёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паг потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати

олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда кўёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари айниқса фойдаланишда олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида амалда экспериментал равишда кенг қўланда қўлланилмоқда. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида республикада кўёш энергияси билан сув иситиладиган қурилмалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилояти ва бошқа минтақаларда иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган. Турли қувватлардаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Қўплаб олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Кўёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илгор технологияларни нафақат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўпланган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқоридаги техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистонда кўёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун илмий-экспериментал ва моддий-техника базаси яратилган.

(Давоми 2-бетда.)

## МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

"Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилганига 20 йил тўлди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жисмоний ва маънавий хижатдан баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 март куни қабул қилинган фармонида мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом ав-

лод учун» деб номланишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда умумэтироф этилган шир — «Соғлом она — соғлом бола» тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди.

(Давоми 4-бетда.)

2013-йил — Obod turmush yili

### ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади. Президентимиз Ислам Каримовнинг қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ушбу хайрли ишларни нафақат изчил давом эттириш, балки таълим соҳасини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди.

Масалан, Давлат дастурининг тўртинчи бўлимида жисмонан соғлом, маънан етук — баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуқсиз таълимнинг миллий модели яратилди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун

зарур мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услувий адабиётлар ишлаб чиқилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида ушбу ижобий жараёни янада ривожлантириш мақсадида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасири капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 мусика ва санъат мактаби, 116 болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

(Давоми 3-бетда.)

### ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

5 >

### АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

7 >

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармони

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фанлар академияси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, республикада тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Халқаро қуёш энергияси институтининг асосий вазибалари ва

йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш;

илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш;

қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятини ташкил этиш ва уни молиялаштириш манбалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Мазкур учун қабул қилинсинки, "Ўзбекэнерго" ДАК ва "Suntech Power Co." (ХХР) компанияси ўртасида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни тенг улушларда молиялаштирган ҳолда энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотозеллектрик панеллар иш-

лаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишувга эришилди.

"Ўзбекэнерго" ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда фотозеллектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш бўйича бизнес-режа ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, бунда 2013 йилнинг октябрь ойида қуввати 50 МВт бўлган биринчи навбат ишлаб чиқаришни фойдаланишга топшириш, 2015 йилда лойиҳа қувватига эришиш назарда тутилсин. Бу ўринда корхона томонидан ишлаб чиқариладиган махсулотга эҳтиёж ва уни сотиш бозорларини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва "Ўзбекэнерго" ДАКнинг Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотозеллектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекэнерго" ДАК уч ой муддатда лойиҳани молиялаш манбалари сифатида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбе-

кистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағларини жалб этишни назарда тутилган ҳолда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда "Ўзбекэнерго" ДАКга электростанцияни қуриш ва жойлаштиришни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясини қўллаш бўйича экспериментал ва пилот лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги халқаро экспертлар иштирокида икки ой муддатда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуёш ҳамда биогаз

энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва боғжона имтиёзлари ва афзалликлар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, "Ўзбекэнерго" ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг I ярим йиллигида Вазирлар Маҳкамасига "Муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 1 март.

## ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

2 март — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун

Президентимиз Ислам Каримов юритаётган ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат халқаро майдонда давлатимиз обрў-эътиборининг тобора ошишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишда, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга оширишда икки ва кўп томонлама дипломатия механизмларидан самарали фойдаланмоқда. Бунда дунёдаги энг нуфузли халқаро тузилма бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон БМТ ва унинг қатор иxtisoslashgan тuzilmalari ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, оммавий қиргин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш,

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидандир.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси ва унинг самаралари халқаро ҳамжамият томонидан минтақавий ва глобал хавфсизликнинг муҳим омили сифатида кенг эътироф этилмоқда. Қайд этиш жоизки, Президентимиз Ислам Каримов томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилда ўтган 48-сессиясида илгари сурилган Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш таклифи, бу борадаги изчил сайё-ҳаракатлар натижасида 2009 йил 20 мартда «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида»ги шартнома кучга кирди.

Монтерей халқаро тадқиқотлар институти (АҚШ) ҳузурдаги ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш масалаларини ўрганиш маркази эксперти Ти-

жой Буознинг таъкидлашича, дунё микёсида ядро тарқалишининг олдини олиш борасидаги масалалар муҳокамаси шунинг асосида қўрилмоқдаки, Марказий Осиёнинг оммавий қиргин қуролларидан холи ҳудудга айлантирилиши жаҳонда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги гоят муҳим қадамдир. Буларнинг барчаси мамлакат мустақил тараққиётининг илк йилларидаёқ ушбу ташаббусни илгари сурган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаган ва изчил сиёсати самарасидир.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳамон дунё микёсидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз Ислам Каримов БМТ минбаридан жаҳонда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича қатор муҳим ташаббусларни илгари сурганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз томонидан 2002 йил октябрда БМТ Бош котибининг мамлакатимизга ташрифи чоғида илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижаси сифатида гиёҳванд, психотроп моддалар ва прекурсорларга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказининг ташкил этилиши бугунги кунда жаҳон миқёсида гоят кескин бўлиб турган нарқоғрессияга қарши курашишда мамлакатимизнинг БМТ билан амалий ҳамкорлигига яққол мисолдир.

Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишидир. Орол муаммоси бу соҳадаги долзарб муаммолардан бўлиб, Ўзбекистон Орол инқирозининг атропо-муҳитга, минтақадаяшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтиришда БМТ тизимидаги агентликлар иштирокини фаоллаштириш тарафдори. Ўзбекистон Орол денгизи қуриши билан боғ-

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юрталари ва уларнинг худудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар "ZiyoNET" миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Ишга туширилган ягона ахборот-кутубхона тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. 2013—2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратиш тизими шакллантирилди. Айни пайтда улар жами ўқув адабиётларининг 99,4 фоизини ташкил қилади. 2013 йилда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 номдаги 600 мингта ўқув қўлланмалари билан бойитилди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда қўлланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қишки кийим-кечак, биринчи синф ўқувчиларига эса 12 номдаги ўқув анжомлари бепул берилди.

Ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассислар томонидан замонавий билим, қобилият ва кўникмаларни тизимли асосда ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёр-

лаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда. Жорий йилда халқ таълими тизимидан 90 минг, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидан 23 минг, олий таълим тизимидан 5,8 минг нафар ходимнинг малакаси ва тажрибасини ошириш ташкил этилади. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини масофадан туриб ошириш тизими янада ривожлантирилади. Ушбу тизим бугун мамлакатимизнинг барча худудида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юрталарининг қатор магистрантлари, илмий ходим ва ўқитувчилари илғор хорижий таълим муассасаларида тажриба оширади. Буларнинг барчаси таълим жараёнига замонавий педагогика технологияларини кенг татбиқ этиш учун қўшимча имкониятлар яратди.

Ўзбекистонда шаклланган миллий таълим модели нафақат узлуқсиз таълим олишни, балки ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахсининг муттасил ривожланиб боришини ҳам кафолатлайди. Масалан, Давлат дастурида мактабда, айниқса, қишлоқ жойларда биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабга таълим тизимига янги мазмун-моҳият бағишлаш кўзда тутилган. Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабга таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал ва мантиқий фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмалар қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминланади. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмий қўлланмалар тўпламининг нашр этиш режалаштирилган. Ҳар йили улар мактабга таълим муассасалари-

га жалб этилмаган болаларга бепул тарқатилади.

Ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳаси доирасида олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежларида қишлоқ хўжалиги, саноат, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш учун мақсадли курслар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Ёш тадбиркорларга моддий ва услубий ёрдам кўрсатилади, ҳудудий махсус масофалар марказлари фаолияти такомиллаштирилади. Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштириш имкониятларидан хабардорлигини ошириш мақсадида бўш иш ўринларининг ягона интерфаол базасини яратиш кўзда тутилган.

Жорий йилда "Таълим грантлари дастури", "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" танловларини ўтказиш давом эттирилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва олий ўқув юрталарида ўқийётган 100 нафар иқтидорли йигит-қизлар учун қасаба уюшмаси стипендиялари тасвис этилади.

Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг истеъдоди ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2013 йилда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови, болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик ва эс-

трада ижрочилиги бўйича республика танлови, "Иқтидорли ёшлар — Ватан равнақи йўлида" шиори остида ўқувчиларнинг "Илминг энг яхши ихтирочис" танлови ўтказилади. Аксарияти аънага айланган бу тадбирлар мамлакатимизнинг барча худудидаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг ижодини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юқори салоҳиятини намоий этмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни янада кенгроқ оммавийлаштириш мақсадида 2013 йилда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида "Алломиш" ва "Барчано" ҳудудий мусобақалари, "Миллий қадриятлар — бекиёс бойлигимиз" шиори остида миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали, Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Бағишланган умуммиллий марафонлар ташкил этилади. Бухорода "Универсиада — 2013" мусобақалари бўлиб ўтди.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ифтихор ва ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида жорий йилда ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари, ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳлар, турли йўналишлар бўйича мунтазам ўтказиладиган семинарлар, тренинг ва маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Бунда йигит-қизларнинг серкирра истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яра-

тишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, болалар ва ёшларнинг фойдали дам олишини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар режалаштирилган.

Давлат дастурида "Биз баркамол авлодмиз" ўн кунлиги, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган "Ҳар бир болага меҳр ва эътибор" ҳафталигини ўтказиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда барча болаларни ривожлантириш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга доир амалга оширилётган ишларга ушбу шiorнинг эзгу гоёси сингдирилган. Хусусан, 2013 йилда инклюзив таълим тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бундай таълим турига имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларни жалб қилиш, шунингдек, улар учун спорт мусобақалари ҳамда оилавий марафонлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Фарғона ва Самарқандда Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг филиаллари очилди.

Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди. Буни "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳам яққол тасдиқлайди. Унда жисмонан соғлом, маънавий етуқ баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда фаровон ҳаётни таъминлашнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.

ЎЗА

## ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

## Vatanimiz mustaqilligining 22 yilligi oldidan

лик экологик инқирознинг жиддийлигини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳрида 2008 йил март ойида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генотонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини энгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзусида халқаро конференция ўтказди. Ушбу анжуманда БМТ вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида БМТ Бош қотиби Оролбўйида бўлиб, экологик бўҳрон билан бевоқиф танишиш ва мазкур экологик фалокат оқибатларини бартараф этишда ёрдам бериш мақсадида БМТ экспертлари салоҳиятини, молиявий ва бошқа ресурсларини жалб қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга тайёр эканлигини таъкидлади. Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи янқулари бўйича тайёрланган Орол денгизи инқирози оқибатида зарар кўрган аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш бўйича БМТ

агентликларининг қўшма дастурини амалга ошириш ҳамкорлигининг устувор соҳаси саналади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг 2010 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи БМТ билан ҳамкорлик соҳасидаги муҳим воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда изчил тараққиётни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари устувор вазифалардан эканини алоҳида таъкидлади. Жаҳон ҳамжамияти Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан атрофчиқа таништирилди. БМТнинг мазкур анжуманидан сўнг мамлакатимизда 2011—2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида БМТ агентлиги — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан самарали ҳамкорлик

йўлга қўйилган. ОИВ/ОИТСга қарши курашиш, юқумли ва юқумсиз касалликлар профилактикаси, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамкорлигининг устувор йўналишларидир. 2011 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолисунолик жамғармаси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди. Мазкур халқаро анжуманга доир материал БМТ Бош ассамблеяси сессиясининг расмий ҳужжати сифатида ташкилот бош қароргоҳида тарқатилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга доир, пойтахтимизда ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзуси-

даги халқаро конференция материаллари ҳам БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Мамлакатимиз ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни ҳам ратификация қилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган «2010—2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида кенг қўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Йигирма бир йилки, Ўзбекистон БМТ билан изчил ва фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ривожланиш ва фаровонликка эришиш юзасидан амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш ишларининг ташаббускори. Бу, табиийки, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Олима ТУРАҚУЛОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

# МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомчилигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун шаҳару қишлоқларимизда фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, спорт саройлари, тиббий муассасалар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялашда jismoniy tarbiya va sportning ўрни беқийос. Мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шугул-

лаши учун барча зарур шaroitlar yaratilgan va bu ish izchil davom etmoqda.

2012 йилда 108 болалар спорт объектлари, жумладан, 16 сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишига топширилди. Самарқанд шаҳридаги эшак эшиш канали реконструкция қилинди.

«Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлаш — бу жараёнда улкан ҳисса қўшаётган меҳридарё инсонлар меҳнатининг юксак эътирофидир.

Икки даражадан иборат мазкур орден билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш йўлида фидокоро-

на хизмат қилаётган инсонлар мукофотланади. Шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мазкур орден билан тақдирланиши мумкин.

Орденнинг тасвирида ўзига хос рамзий маъно мазмун муҳассас. Унинг ўнг қисмидаги қуёш нуралири фонидида фарзандини олиқлаб турган мўтабар она сиймоси акс эттирилган. Ватан тимсоли бўлган мунис волида меҳр ва хотиржамлик билан фарзандига тикилиб ўтирибди, эзгу орзу-интилишлар рўёби бўлмиш бегубор бола эса иштиёқ ва қувонч билан эзгулик ва бунёдкорлик сари — нурга талпинмоқда.

Орден бириктирилган дастаннинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида гуллаб турган ўрик

новдаси тасвири туширилган. Гуллаётган ўрик новдаси — кўклам, табиат ва онгдаги уйғониш тимсоли. Бу тасвир яшариш ва янгилашни рамзи бўлган яшил ранг фонидида янада гўзал жило ва теран мазмун ифода этади.

Соғлиқни сақлаш, таълим, спорт каби соҳаларда меҳнат қилиб, соғлом авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ватандошларимиз «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Улардан бири — олий тоифали шифокор Нурмаҳамат Абдуллаев. У Фарғона вилояти Учкўприк тумани тиббиёт бirlashmasининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири. Тиббиёт бirlashmasининг мазкур бўлими тубдан ташкирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда туғиш ёши-

даги аёллар доимий тиббий назоратга олинган, барча профилактик тадбирлар ўз вақтида ўтказилди. Бунинг натижасида уларда ҳомиладорлик асоратларсиз кечмоқда, чақалоқларнинг соғлом ривожланиб, соғлом туғилишига эришилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 27 августдаги фармонида биноан қарийб ўттиз беш йилдан буюн шў ҳоҳида самарали меҳнат қилаётган Нурмаҳамат Абдуллаев II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

«Соғлом авлод учун» ордени буюк келажакимиз ворисларини тарбиялашда юртдошларимизга куч-қайрат бағишлайвери.

Зиёдулла  
ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

## Yangiliklarda yurt nafasi



Эллиқалъа тумани маънавият-тарғибот маркази томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман прокуратураси билан ҳамкорликда «Президент асарларини ўрганиш» танлови ташкил этилди.

Танловда тумандаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан ташкил толган жамоалар қатнашди. Ўқувчилар Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақиллига эришиш остонасида» асарлари, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳияти бўйича ўз билимларини намойиш этди.

Билимдонлар синовида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Ёстун академик лицейининг «Баркамол авлод» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Эллиқалъа санъат ва педагогика коллежи, учинчи ўринни Эллиқалъа қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи жамоалари кўта киритди.

Танловда «Энг намунали маънавият тарғиботчиси», «Энг намунали маърифат маскани», «Энг намунали миллий ғоя тарғиботчиси» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Фарғонада Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт кунлари ўтказилди.

Вилоятда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган адабиёт кунлари ижодкор ёшларни кашф этиш, аҳолининг бадиий адабиётга қизиқлигини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбир давомидида ижодкорлар Кўкон, Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ҳамда Ёзёвон туманида бўлиб, ёш ижодкорлар, ўқувчи китобхонлар билан учрашдилар. Мулоқотлар чоғида адабиётимизнинг бугунги ривожини ва эртанги истиқболи йўлида амалга оширилаётган ишлар самарасида кўплаб ёш истеъдод соҳиблари етишиб чиқаётгани, ёзувчи ва шоирларимиз томонидан турли мавзуларда яратилаётган асарлар халқимиз маънавий хазинасини бойитишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбир доирасида Кўкон давлат педагогика институтида бўлиб ўтган учрашувда таниқли шоирлар билан бир қаторда ёш ижодкорлар ҳам ўз шеърларидан ўқиб берди. Хонандалар ижросида ватанпарварлик, ёшлик, баҳор тараннуми этилган куй-қўшиқлар янгради.

Анджонда «Она алласида Ватан мадҳи» деб номланган вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳудудий бўлими томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловда туман ва шаҳар босқичида ғолиб бўлган бадиий жамоалар асрлар оша давом этиб келаётган ҳамда замонавий алла ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Бўз тумани марказий маданият уйининг «Дилрабо» ашула ва рақс дастаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Анджон шаҳри ва Анджон тумани бадиий жамоалари кейинги ўринларга сазовор бўлди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

## БЎЛҒУСИ ПЕДАГОГЛАР УЧУН ИШ ЎРНИ КАФОЛАТЛАНГАН

Кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидида «Битирувчилар кун» тадбири доирасида Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlари мутасаддилари билан университетни жорий йилда тамолаётган қашқадарёлик 320 нафарга яқин талаба ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Учрашувда бўлғуси педагогларни ўзлари туғилиб ўсган ҳудуддаги кадрларга эҳтиёж катта бўлган халқ таълими муассасаларида иш билан таъминлаш масаласи кўрилди.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида 1118та умумтаълим, 18та мусиқа ва санъат, 21та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 336та мактабга таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда олий маълумотли, ўз касбини пухта эгаллаган етув кадрларга талаб катта. Хусусан, 2013-2014 ўқув йилидан барча умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфларданок инглиз тили ўргатила бошланиши ва бошқа фанлар бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга оладиган бўлсак, вилоятда яна 550 нафардан зиёд мутахассисга зарурат борлиги аён бўлади.

— Университетимизда ҳудудий халқ таълими бошқармаси идоралари талабидан келиб чиқиб, малакали фан ўқитувчиларини тайёрлашга, давлат гранти асо-

сида таҳсил олаётган талабаларни бўш иш ўринлари бор таълим даргоҳларига ишга жўнатишга катта эътибор қаратиляпти, — дейди ТДПУ ректори вазифасини бажарувчиси Дилшодбек Эргашев. — Бугунги кунда юртимиз таълим тизимини тубдан ислох этилаётгани, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келаётгани натижасида талаба ёшларнинг методик билимларини бойитиш, компьютер саводхонлигини ошириш ва уларга чет тилларни чуқур ўргатиш долзарб вазифага айланди. Бу борада пухта назарий билимларга эга бўлган талабалар эса келгусида амалиётда қийинчиликларга дуч келмай, жамоада ўз ўрнини топиб кетишади.

Иш берувчилар — вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари битирувчиларга жойлардаги бўш иш ўринлари, ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлиги йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани, чекка қишлоқ мактабларида фаолият олиб боришни истовчалар учун маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида барча зарур шарт-шароитлар яратилиши ҳақида маълумот берди. Шунингдек, талабалар мутасаддилардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Тадбир сўнгидида университет ва халқ таълими бошқармаси ўртасида малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва ҳамкорликда уларнинг бандлигига кўмаклашишга доир шартнома имзоланди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,  
«Maʼrifat» мухбири

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

Ўқитувчининг дарсни мазмунли ташкил этишида, ўқувчининг мавзунини пухта ўзлаштиришида дарсликларнинг ўрни алоҳида.

Пойтахтимиздаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидида «Математика ва алгебра» фанларини ўқитишда дарсликларнинг аҳамияти мавзусидаги давра суҳбатидида ушбу фан дарсликларини муаллифлари ҳам иштирок этдилар.

Тадбирда Республика таълим маркази табиий ва

аниқ фанлар бўлими бошлиғи М.Тиллабоева, дарслик муаллифлари — физика-математика фанлари номзоди Ф.Насриддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими М.Мирзааҳмедов ва Б.Ҳайдаров дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар, мавзуларнинг кетма-кетлиги ва узвийлигига тўғри ёндашиш мавзулари хусусида фикр юритдилар.

Ушбу фанлардан дарс бераётган ўқитувчилар ҳам мулоқотда фаол иштирок

этиб, дарсликларнинг аҳамияти, мисол ва масала кизиклиги ўқувчилар учун кизикarli тарзда тузилганини таъкидлаб ўтдилар.

— Ушбу тадбир ўқитувчилар учун муҳим аҳамият касб этди, — дейди математика фани ўқитувчиси Мавжуда Шониёзова. — Энг асосийси, муаллифлар билан озма-юз суҳбатда дарсликка қандай ёндашиш лозимлиги ҳақида кўшимча маълумотларга эга бўлди.

Д.ҲАЙДАРОВА,  
шу мактаб ўқитувчиси

# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

2013-yil — Obod turmush yili

**Истиклолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлоднинг шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли илоҳотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самаралар бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.**

“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илгор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усуллари татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белги-ланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизда илгор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг туғри овқатланиши фоят муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ва бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, урни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини саплементация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамином комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиғи мустаҳкамланади. Кўкрак сутини эмизиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилда туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қиз-

фонини ва бошқа ижтимоий акцияларни ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Европа Иттифоқи/ЮНИСЕФнинг “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. II босқич” қўшма лойиҳаси, ЮНФПА, Глобал фонд, КФВ банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз маълумоти ва тажрибасини оширади. 2013 йилда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида болаларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимини янада камайтириш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан ортинги ташкил қиладиган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар оирада касалликларни, инсулт, саратон, сурункали респиратор хасталиклар ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар — спиртли ичимликлар ҳамда тамаки махсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини — амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 кишлоқ врачлик пунктларидан (КВП) таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. “Обод турмуш йили” Давлат дастурида аҳолига маслаҳат бериш ва ташхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича КВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш доирасида КВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ва 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги энг яхши клиникалар мутахассислари иштирокида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” лойиҳасини амалга ошириш орқали энг чеكка кишлоқ туманларида яшаётган аҳолини чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган. Бу жараёнда 146 минг киши, шу жумладан, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсияонерлар қамраб олинади. Бундан ташқари, йил давомида ҳар бир ҳудудда 200 мингдан орტიқ киши оммавий равишда чуқур тиббий кўриқдан ўтказилади.

Шунингдек, дастурда аҳолининг юқори технологик ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, 2012 йилда кардиожаррохлик бўлими ташкил этилган В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, кўз микрохирургияси ва урология марказида ўта мураккаб ва технологик даражадаги операцияларни ўтказиш қўламини янада кенгайтирилади. Ваҳоланки, бундай операциялар бугун дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Соҳа мутахассисларининг касбга оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг тажриба ошириши ташкил этилади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида маълум қилиш мумкин. Шундай қилиб, “Обод турмуш йили” Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демак, мамлакатимиз раҳбарлари таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режасини, биринчи навбатда, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бундан ташқари, ичимлик

суви ва очиқ сув ҳавзаларидаги сув сифатини мониторинг қилиш ҳамда уларнинг лаборатория назорати кучайтирилади, ичимлик суви сифатининг кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича санитария назорати тизими жорий этилади.

2013 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 143 тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қунига 10145 кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларни ташхис қўйиш ва даволаш бўйича жаҳон стандартларига мувофиқ жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналари харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилган. Шу мақсадда қўшма шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш давом эттирилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган санаторий муассасаларида жорий йилда минглаб фуқаролар — фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд ходимлар, кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар, ёш оналар, ёш оилалар ўз соғлигини мустаҳкамлайди. Бу муассасаларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва уларда кўрсатилаётган соғломлаштириш хизматларини яхшилаш, айримларида эса капитал таъмирлаш ишларини бажариш чора-тадбирлари белги-ланган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ҳам алоҳида диққат марказида бўлади. Масалан, еттита болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилади.

Шундай қилиб, “Обод турмуш йили” Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демак, мамлакатимиз раҳбарлари таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

# САРАЛАР СИНОВЛАРДА СИНАЛАДИ

Билимлар беллашуви уч йилдан буён ташкил этиб келинмоқдаки, давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқни аниқлаш ва зарур чоралар кўриш, ёшларни фанларга қизиқтириш ҳамда иқтидорини шакллантиришдаги аҳамияти тобора ошиб бораётир. Таълим муассасалари фаолиятини ҳолисона баҳолаш, рейтингини аниқлашда ҳам танлов муҳим мезон бўлиб хизмат қилапти. Шу кунларда жойларда билимлар беллашувининг туман bosқичлари якунига етмоқда.

Ҳамза туманидаги 152-мактабда бўлиб ўтган билимлар беллашуви иккинчи bosқичининг очилиш қисмида олдинги йиллари фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчилар утуқ ва таассуротлари ҳақида гапириб, тенгдошларига муваффақият тилашди. Бундан руҳланган иштирокчилар билимлар синовида янгилик билан киришдилар.

Уч кун давомида билимдонлар синфлар кесими ва фанлар йўналиши бўйича диктант, ёзма иш, ижодий баён, матн яратиш ҳамда тест саволлари орқали баҳс олиб бордилар.

— Билимлар беллашувида бир неча йиллардан буён ҳакамлар ҳайъати азёсо сифатида қатнашиб, жараённи кузатиб келаман, — дейди 69-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Мупаррах Раҳимова. — Биринчи йили ўқувчиларимизнинг тайёргарлиги, кўникмаси ҳали етарлича эмасди. Утган йили билимдонлар иштироки анча жонлангани, бу йил эса билимида, ўзини туғишида ва кўрсатаётган натижаларида ўсиш суръати янада органини кўраямиз. Берилаётган топшириқлар сифати ҳам олдингига нисбатан анча мукамаллашган.

Беллашув якунида натижалар эълон қилинди. Унга кўра, 873 иштирокчи орасидан энг билимдон, зукко 37 нафар ўғил-қиз навбатдаги bosқичга йўланма олди.

Миробод туманидаги 328-умумтаълим мактабида билимлар беллашувининг туман bosқичи бўлиб ўтди. Уч кун давом этган танловда ота-оналарнинг ҳам гавжумлиги фарзандлар тақдири ҳақида жиддий қайғурадиган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганидан далolat эди.

— Беллашувда филология йўналиши бўйича 156, аниқ фанлар йўналиши бўйича 224, гуманитар фанлар бўйича 304 нафар 5–8-синф ўқувчилари иштирок этди, — дейди туман ХТМФМТТЭ бўлими методисти Зулхумор Зокирова. — Иштирокчилар билимини баҳолашга малакали мутахассислар, амалиётчи ўқитувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати жалб этилдики, бу танловнинг адолатли ўтишига хизмат қилди.

Шахло Муҳаммаджонова Уйчи туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфида ўқийди. У барча фанларни яхши ўзлаштирсанда, математика ва физика фанларига қизиқиши кучли. Айнан шу иштиёқ билимлар беллашувининг мактаб bosқичида голиб чиқши ва туман беллашувида иштирок этишида муҳим омил бўлди.

— Дастлабки bosқич қадрдон мактабим, ўзим мослашган муҳитда ташкил этилгани боис мен учун оддатдаги синовлардек ўтди, — дейди Шахло. — Бугун эса илгари умуман кўрмаган, билмаган тенгдошларим билан баҳсга киришдик. Шу учунми, бироз ҳаяжонландим. Табиийки, бу акуний кўрсаткичга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Лекин натижага ёмон бўлмади, иккинчи ўринни эгалладим. Насиб этса, кейинги синовларга янада қаттиқ тайёрланиб, вилоят ва республика bosқичларида ҳам голиб бўлам.

Билимлар баҳсида иштирок этган 1135 нафар ўқувчидан 36 нафари вилоят bosқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Юқори ўринларни эгаллаш борасида 6, 26, 36- ва 37-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари пешқадамлик қилишди.



Bilimlar bellashuvi — 2013

Шовот туманида бўлиб ўтган билимлар беллашувида 1376 нафар ўқувчи қатнашиб, билимларини синаб кўришди. Танлов якунида энг яхши кўрсаткич она тили ва адабиёт, иқтисодий билим асослари, тарих фанлари бўйича кузатилгани эътироф этилди.

— Жорий йилги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, — дейди туман ХТМФМТТЭ бўлими ходими Музаффар Ражабов, — ўқувчилар кўрсаткичи ўтган ўқув йилидагига нисбатан 9 фоизга ошганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Учкудук туманини вилоят марказидан қарийб уч юз километрик масофа ажратиб туради. Лекин бу маскандаги қайноқ ҳаёт нафасини мактаблардаги жўшқинлик, эришилаётган муваффақиятларда ҳам кўриш мумкин. Утган йили 18 ўқувчининг билимлар беллашуви вилоят bosқичида муваффақиятли иштирок этгани, 2 ўқувчининг республика bosқичида 1- ва 2-ўринларни эгаллагани боис учқудуқликлар бу борада вилоят бўйича Навоий шаҳридан кейинги ўринни банд этди.

— Бу йил билимлар синовида янада катта талаблар қўйилди, десак хато

бўлмайти, — дейди Учкудук туман ХТМФМТТЭ бўлими ходими Саломат Алимбоев. — Чунки умумтаълим мактаблари ўқувчилари ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари билан бир майдонда куч синашдилар. Беллашувининг туман bosқичида юқори балл тўплаб, вилоятга йўланма олган 33 нафар голибининг 15 нафарини 20-умумтаълим мактаби ўқувчилари ташкил этган бўлса, 3-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби вакиллари эса атиги 3тагина ўринни забт эта олди.

Билимлар беллашуви ким қандай ишлаётгани ва ўқитаётгани; ўқитувчи ва ўқувчилар қайси нуқталарга янада жиддийроқ эътибор қаратиши лозимлигини кўзга мисол кўрсатиб берди. Муваффақиятлар қувонч бахш этди ва, аynи пайтда, навбатдаги довон сари янада жиддийроқ ҳаракат қилишга куч бағишлади.

Голиб БАХРОМОВ,  
Гулюз ОРФИЖОНОВА,  
Ганишер АКБАРОВ,  
Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,  
О. МУРОДУЛЛАЕВА  
«Ma'rifat» мухбирлари.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

## Билимлар самараси

Февраль — математика ва информатика фанлари ойлиги мактаб-интернатимизда кизгин ўтди.

Машғулотлар илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилди. Айниқса, математика фани ўқитувчилари Икромжон Юсупов, Жасурбек Фозиев, Жамолддин Эшонжонов дарсларини катта тайёргарлик билан олиб бориб, интерфаол усуллардан кенг фойдаландилар. Бунинг самараси 5–8-синф ўқувчилари ўртасида бўлиб

ўтган «Билимлар беллашуви»да ҳам акс этди. Жумладан, 8-«А» синф ўқувчиси Мадина Мўминова математика фанидан, 8-«Б» синф ўқувчиси Шоҳрух Алижонов информатика фанидан, 7-«А» синф ўқувчиси Бобур Мирзавадиев математика фанидан фахрли биринчи ўринни эгаллаб вилоят bosқичига йўланмани қўлга киритди.

Илёсжон МУТИЛЛАЕВ,  
Чуст шаҳридаги 7-ИДУМУНИНГ  
аниқ фанлар услубий  
бирлашмаси раиси

## Гиёҳвандликка қарши кураш

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни гайриқонуний ривзида муомалага киритишга қарши курашишда ОАВларнинг роли ва ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Семинарда сўзга чиққанлар гиёҳвандликка қарши курашишга оид қонунчиликни такомиллаштириш ва унинг ижросини таъминлаш, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталдилар.

— Тадбирдан кўзланган мақсад — оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи журналистларни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний олиб келиниши ва айланмасига қарши амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳамда соҳани тартибга солуви ҳақидаги муҳим ҳуқуқий база билан таништириш ва бу борада журналистлар-

нинг ихтисослашувида кўмаклашишдан иборат, — дейди фонд директори А.Абдуллаев.

Семинар якунида журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари батафсил жавоб қайтаришди.

Назokat  
ХОЛМЕТОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## ТААССУРОТ

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилаётган 7-мактабда бўлиб ўтган навбатдаги илмий-амалий семинар том маънода ҳақиқий тажрибалар махсули, бузғини кун руҳи ва талабларга уйғунлиги, янгиликлар, долзарб вазифаларнинг таълим-тарбия жараёнига оқилона таъбиқ этилаётгани ва бундай натижаларга барча билим масканида эришиш мумкинлигини амалдаги намоёнишига айлангани билан аҳамиятли бўлди.

**1-таассурот.** Қайси синф томон бурилманг, ўқувчиларнинг ўзбек ва инглиз тилларида салом бериши ва ўқитувчиларнинг ҳам ушбу тилларда алик олиши бугун давлат микёсида эътибор қаратилаётган чет тилларни ўрганиш ишларининг мактабда яхши йўлга қўйилганидан далolat беради.

Айни пайтда хорижий тиллар кунг билан ўрганилаётгани-ю, ўзбекна тарбия, миллий қарашларнинг сайқал топиб, улуг'линига алоҳида аҳамият берилаётир. Мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Зилола Мааматованинг қайд этишича, барча фан ўқитувчиларининг инглиз тилини ўз фаолияти доирасида ахборот технологияларидан фойдалана олиш даражасида ўрганиши борасида қатъий режа асосида иш олиб борилапти. 1—4-синф ўқувчиларининг ҳафтада бир марта ушбу тилни қизиқар-

ли ўйинлар асосида ўрганишлари учун тўғрақ машғулоти режаси ишлаб чиқилган.

**2-таассурот.** Мактабда ўқувчилардан иборат гидлар меҳмонларни инглиз тилида мулоазамат ва ўзбекна илтифот билан кутиб олди. Билим даргоҳи ҳаёти билан танишайтган мех-

монлар уларнинг инглиз тилини нечоғлик пухта ўзлаштиргани ва аynи пайтда муассаса фойеси деворларидан ўрин олган ҳар бир кўрғазма ва стендларнинг таълим-тарбия жараёнига дахлдорлигидан воқиф бўлар экан, таассуротлари, келгусида қўл уражак ишлари режасини ён дафтарчаларига қайд этиб бордилар.

**3-таассурот.** Инглиз тили фани ўқитувчиси Санобар Махатов дарсинг узида интернет тармоғига уланиб меҳмонларни дунё

бўйлаб «сайр»га таклиф этар экан, сўз билан эмас, ҳаётий далиллар орқали замон билан бўйлашмоқ учун хорижий тилларни ўрганиш нақадар зарурлигини кўрсатиб бера олди. Гузал Қобилвановнинг дарсида эса бошланғич синф ўқувчиларининг «ўйнаб-ўйнаб» ўнлаб сўзларни ўрганиб бораётгани йигилганларини да бир неча инглизча сўзларни ўзлаштириб олишига имкон берди.

Вилоятдаги уч юз эллик тўққизта мактаб орасида мониторинг таҳлиллари бўйича учинчи ўринни банд этиб келаятган ушбу таълим даргоҳидаги ҳар бир тадбир қўпчиликда ана шундай ажиб таассуротлар қолдиради. Хар ким шунчаки иштирокчига эмас, хайрли, ибратли ишларнинг давомчисига айланадиган бунда.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# АСОСИЙ ВАЗИФА – ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «Ўзбек модели» бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган туғи ислохотлар юксак самаралар бераётганини вақтининг ўзи кўрсатиб турибди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам ушбу муҳим вазифани изчил бажаришга қаратилган.

Масалан, Давлат дастурининг бешинчи бўлимида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги тураржойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан қаноатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимиз қишлоқларида намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қенг кўламда қурилаётгани ва тегишли инфратузилма шакллантирилаётгани одамлар турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор қаратилаётгани ҳамда ғамхўрлик қўриқилаётганидан ёрқин далолатдир. Бундай хайрли ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2013 йилда 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қуриш режалаштирилган. Бунинг учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 2012 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 54 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, жорий йилда ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлашни янада яхшилаш турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида қишлоқ массивларида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган. Андижон, Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Фарғона

ва бошқа бир қатор шаҳарларда, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, сув таъминоти ва канализацияни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Минтақаларо сув ўтказгич иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳудудлар аҳолисини

ишончли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига кирди. 2013 йилда Талимаржон иссиқлик электр станциясидан «Сўғдиёна» ПСГча 215,8 километр узунликда 500 кВ юқори кучлини электр узатиш линияси қурилади. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриладиган қишлоқ массивларида узунлиги 239,4 километр 0,4-10 кВ юқори кучлини линияси қурилади ва 155 трансформаторли кичик станциялар ўрнатилади. Мамлакатимиз ҳудудларида узунлиги 1775,6 километр 0,4-10 кВ юқори кучлини линияси ва 434 трансформаторли кичик станцияларни реконструкция қилиш, узунлиги 9312,3 километр шундай электр узатиш линияларини ҳамда 4753 кичик станцияни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Давлат дастурида ҳудудлар аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада 254 километр газ тақсимлаш тармоқлари қурилади ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси тасарруфидаги газ тақсимлаш тармоқларининг 280 километри капитал таъмирланади. Якка тартибдаги 353 қишлоқ массивларига узунлиги 393,65 километри газ қувурларини ўтказиш кўзда тутилган.

Аҳолининг иссиқлик билан таъминлашни даражасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2013—2020 йилларда мамлакатимизнинг 28 йирик шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тасдиқланган ҳамда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган.

Жорий йилда 16 шаҳар ҳамда 67 туман марказларида коммунал дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, насос ускуналари модернизация қилинади, янги қудуқлар ишга туширилади ва улар тегишли равишда жиҳозланади.

Одамлар турмуш сифатини ошириш кўп жиҳатдан шаҳар ва қишлоқлар-

да замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўлларнинг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтириш, йўл қопламаси сифатини яхшилаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боглиқ.

Давлат дастурига мувофиқ маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган 137,3 километр автомобиль йўллари капитал таъмирланади, 353 қишлоқ жойдаги намунавий уй-жой массивларига олиб борадиган 239,1 километр узунликдаги янги автотўйлар қурилади. Самарқанд, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарларида узунлиги 39,7 километр кўчаларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий автомагистрالی таркибига қирадиган М-39 «Тошкент—Термиз» ва 4Р-87 «Ғузур—Чим—Кўкдала» автотўйли реконструкция қилинади.

Жорий йилда транспорт инфратузилмаси ҳам янада ривожлантирилади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 48, шу жумладан, қишлоқ жойларда 42 янги йўловчи ташиш йўналишларини очиш режалаштирилмоқда. Автобус парк ҳам янгиланади. 400та «Исузу» ва 100та «Мерседес» русумли автобуслар харид қилинади.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун ўнта автовокзал ва тўртта автостанция ҳудудини ободонлаштириш кўзда тутилган. Жамоат транспорти тўхтайдиган бекатларнинг қиёфаси замонавий талабларга мос бўлиши учун улар капитал таъмирланади. Тошкентда қўшимча равишда 50та махсус жиҳозланган йўналишсиз таксилар тўхташ жойларини барпо этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳудудларда автомобилларга газ тўлдиргич 26 компрессор станциясининг қурилиши транспорт хизматини тақомиллаштириш, ёқилғи нефть маҳсулотларини тежаш ва экологик вазиятни янада яхшилаш имконини беради. Бу ишлар Давлат дастурида режалаштирилган ҳамда энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жадал жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг муҳим қисmidир.

Масалан, жорий йилда бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида «Навоий» эркин иқтисодий индустриал зонасида фотоэлектр панеллар, 10 минг донна замонавий, самарали иссиқлик ва сув иситиш қозонларини ишлаб чиқариш ташкил қилинади. «Ангрен» махсус индустриал зонасида эса энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар ишлаб чиқариладиган қўшма корхонани ташкил этиш режалаштирилган.

Йилнинг асосий қисмини куёшли кунлар ташкил этадиган мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш катта истиқболга эга. Давлат дастурида Қорақалпоғистон Республикасининг 17 қишлоқ врачлик пункти ва битта туман марказий шифонасини шундай қурилмалар билан таъмирлаш кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда энг илғор, шу жумладан, ахборот технологиялари қўлланилмоқда ва бу уларнинг жайиллаштиришига ҳизмат қилмоқда. Мисол учун, рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш, Хоразм, Жиззах, Тошкент ва Фарғона вило-

ятларида ана шундай имкониятларни янада кенг рўйбга чиқариш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакатимизда одамлар турмуш сифатини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳисобидан уларнинг даромадини кўпайтиришга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларнинг муҳим қисmidир. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳудудларида чакана савдо ва умумий оёқатланиш тармоқларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Аввало, қишлоқ жойларда бундай объектларни қуришга оид ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилади. Қишлоқ массивларида якка тартибдаги уй-жойлар қуришда бир пайтнинг ўзида «гузар» шаклидаги чакана савдо ва савдо-маиший комплекслар, шунингдек, бундай массив ва, умуман, қишлоқларда 966 чакана савдо шохобчаси ҳамда 260 умумий оёқатланиш корхонасини қуриш режалаштирилган. Жойларда замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган қолипчи нон ишлаб чиқариш цехлари очилади. Чека ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли учун кўчма автоўқонлар ташкил этилади.

Озиқ-овқат товарлари, жумладан, йод танқислиги касалликларининг олдини олишга ёрдам берадиган махсулотлар ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Масалан, 2013 йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги «Кўнғирот натрий сульфат» шўъба корхонасида йодланган ош тузи ва мамлакатимиз sanoати учун зарур натрий сульфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шундай қилиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг барча муҳим йўналишлари қамраб олинган. Мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизни жадал ривожлантириш асосини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаёт сифати ҳамда даражаси, унинг фаровонлигини янада оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.



Кўшиқда лирик қаҳрамон айрилиқ, ҳижрон дардида ўртаниб, ёри, ота-онаси, дўсту биродарлари ва ё элидан хабар кутиб, бахтига, севгисига гайрлик қилган бўҳтонлардан куйиниб куйлаганда “хабар” билан боғлиқ ички кечинмалари, ўй-туйгуларини ифодалашда восита бўлган образларни мазмунига кўра “хабарчи” рамзлар деб номлади.

Кўшиқда хабарчи рамз сифатида қарға, фоз, ўрдак, турна, қалдирғоч каби қушлар образи келади. Фақат XX асрда яратилган бир қанча намуналарда бу вазифани қушга шаклан ўхшаш — самолёт ҳам бажарган.

Нима учун “хабарчи” сифатида айнан ушбу қушлар олинди? Маълумки, халқ кўшиқларида рамз бўлиб келувчи ҳар бир детал, аввало, халқ ўртасида бирор-бир турғун тасаввур, тушунчаларнинг имуққига таянади. Ана шу ҳолдагина бу детал кўпчилик халқ санъатлари қатори кўшиқларида ҳам поэтик рамзга айланади.

Дунёнинг аксарият халқлари мифологиясида турли қушлар “илоҳий хабарчи” деб қаралади. Шундай экан, юқоридаги саволга жавоб топиш учун қарға, фоз, ўрдак, турна, қалдирғоч образларининг “хабарчи” рамз бўлишига замин бўлган ишонч, эътиқод ва дунёқарашларни қараб чиқиш талаб этилади.

1. **Қарға образи.** Халқ орасида бевақт қарилган қарғага:

*Яхши хабар бўлса, озингга ош, Ёмон хабар бўлса, бошингга тош,* — деб айтилади. Бу айтими қарға яхшилик ва ёмонликдан хабар берувчи қуш деган ишонч мавжудлигини билдиради. Иккинчи бир айтими бу ишонччи янада ойдинлаштиради. Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманидаги Гум қишлоғида туғилган Ҳалима Қарши қизининг хабар беришича, Умирқул деган киши ёлғиз ўғли бирор-бир юмушни бажара олмаса, қаттиқ койир ва ҳовуридан тушгач:

*Жутганим — жумуригма, Қарганим — қорнигма, Минг қарғамдан йироққа, Тоғларга бор! Тоғларга бор! Ёлғиз боламга тегма!* —

деб қайтариқ қилар экан. Қайтариқнинг “*Минг қарғамдан йироққа*” деган ўрни диққатга сазовор. Маълум бўлмоқдаки, халқ тасаввурини унинг олқишу қарғишларини “*ижро этувчи*”га етказувчи “*минг хабарчи қарға*” бор деб ишонилган. Юқорида келтирилган

икки айтими ўзаро қиёслаб, шундай ҳулосага келиш мумкин: айтими “қарға” ҳақидаги қадимий мифологик дунёқарашга асосланган бадиий тафаккур маҳсулидир. Халқнинг қадим мифологик тасаввурига кўра, “қарға” кишиларни яхшилик ва ёмонликдан огоҳ қилиш билан бирга уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларини гайб оламига етказиб турувчи образ, деб қаралган...

Қарға ҳақидаги мифологик тасаввурлар халқ кўшиқларида лирик қаҳрамон ҳаёти, кўнглининг ифодачиси сифатида хабарчи рамзга айланган.

*Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига. Ҳиди келса маст бўлайлик Ҳандалакнинг бўйига.*

*Ҳандалак бўйликкиман, Сиз унда зор, биз бунда зор. Иккаламиз тўтиқушининг Боласидай интизор.*

Лирик қаҳрамоннинг “учаётган қарғаларга кўз тутиши”ни лугавий маъносиде тушунмаслик керак. У қаргани эмас, ўз ёридан хабар кутаяпти.

Иккинчи бир мисол: *Осмондан учиб ўтган, Бир ёлғиз қора қарға. Борсанлар, салом денглар, Жоним Мағрифатхонга.*

Бу кўшиққа мазмундош тўртликни озарбойжон баётиларида ҳам учрағанимиз:

*Сорағин гаргадан ая, Најифи даргадан ая, Гурбэтдэ жар хэбэрин Бир аты жоргадин ая.*

Келтирилган мисол қарғанин хабарчи сифатида қардош туркий халқлар фольклорини ҳам кенг тарқалганидан гувоҳлик беради. Образ тараққиётининг сўнгги босқичида қарғанин ёмон хабар маъноси етакчи ўринга чиқди.

*Қарғалар қағиллаб энади Марғилоннинг чўлига, Бир нима бўлдимикан? Урислар чувалашди, Оқ пошшоси ўлдимикан?*

Бу ўринда қарға ўлим, фалокат хабарчиси сифатида намоён бўлмоқда.

2. **Фоз ва ўрдак.** Кўшиқларда фоз ва ўрдак образлари кўпинча ёнма-ён қўлланилади. Бундай ўринларда улар бир-бирига зид поэтик маъно ифодаловчи антоним рамзларга айланади. XIV асрда шоир ва таржуман Сайфи Саройи икки вариантда ёзиб қолдирган халқ кўшигининг дастлабки:

*Ўрдагимиз қос ўлди, фарағ қизи, Кўнғишимиз қамоз ўлди, ёндурмади,* —

мисраларида ҳам фоз ва ўрдак образларини антоним рамз сифатида кўрамыз.

Кўшиқнинг биринчи мисрасида “ўрдак қос(ғоз) бўлди” дейилмоқда. Бу мотивга қиёсан иккинчи мисрада “кўнғиш(қўшни)нинг қамоз(чақимчи)” бўлгани айтил-

моқда. Ўз-ўзидан савол туғилади: ўрдакнинг қос бўлгани билан қўшнининг чақимчи бўлгани ўртасида қандай алоқа мавжуд? Умуман, қўшиқларимизда фоз ва ўрдак образлари қандай поэтик маъно ифодалайди? Бу маънонинг тарихий илдиэлари қаерда?

Фоз ва ўрдак образларининг бизга яширин, бироқ ажодларимизга яхши таниш бўлган тўғма тасаввурларга боғлиқ қандай маънолари мавжуд? Бевосита халқимиз ўтмишда ижод этган маданий ёдгорликларга диққат қилсак, калаванингни учи топилади.

Олтойдан Дунайгача Евроосиё қўллари бўйлаб кенг тарқалган, қадимий “искиф — Сибир анг (хайвонот) услуби” (руслар «скифо-сибирский звереныи стиль» дейди) ёдгорликлари орасида талқи-қотчилар томонидан гоҳ фоз, гоҳида ўрдак деб таърифланаётган сурат, шакллар мавжуд. Олимлар бу қадимий санъат намуналарининг

достоинида фоз образи билан боғлиқ куйидаги мотив диққатга сазовор. “Алпомиш зиндонда ётибди, қараса, зиндоннинг бошида бир фоз қанотини ёзиб айланиб турибди. Фозни кўриб, Алпомиш бу сўзни айтиб турибди:

*Э, жонивор, Кўнғирот элдан келдингми, Ҳумоюндай менга соя солдингми? Тор зиндонда мендан хабар олдингми, Зиндонда гангисан бу бекнинг боши... Қариндошдан элчи бўлиб келдингми? Зиндонни айналган фойибнинг қуши, Сўроғимни билмас менинг ҳеч киши...”*

Фоз Алпомишнинг ёнига кўнади. Алпомиш фознинг бир оёғи синганини кўриб, “Ўз элимда, Бо-бир кўлида юрган вақтларимда шу

миш” дostonи, “Алип Манаш”, “Хўжан Хизр” эртақларида — фоз, “Авесто”да “Қаршипта илоҳий қушлар ва кишилар ўртасидаги эзгу хабарчи сифатида қаралганини кўрсатмоқда.

Фозга муқобил кўйилувчи ўрдак образи халқ дostonларида учрамайди. Лекин мақол ва ибораларда ўрдакка салбий мазмун юкланганига гувоҳ бўламиз. Масалан: “*Ўрдакдан қуруқ чиқади*” ибораси айер, устамон, ёлғончи кимсаларга; “*ўрдакмизож*” эса бевурд ивговларга нисбатан ишлатилади. “*Шошан ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғар*” мақоли ёлғони ошкор бўлган, айби очилиб қолган кишиларга, “*Дунёни сув босса, ўрдакка не гам*” ибораси эса ўтаҳудбинларга нисбатан қўлланилади. Ушбу мақол ва ибораларда ўрдак образи бевурд, устамон, худбин каби салбий мазмунни олмақда. Аксинча, халқ ҳикматларида фоз ижобий образ

лиқ мазмунини ифодалайди. Ўрдак эса, ёлғон, бўҳтон маъноларини умумлаштириб келади. Фоз ва ўрдак образларининг кўшиқлар таркибидеги маъно қамрови эпосдаги нисбатан анча кенг, ибора ва мақоллардаги маъно қамровига хийла яқиндир. Масалан, машҳур кўшиқда:

*Мен қушимни фозга солсам, Чанг солибди қарғага. Олти қарға бир бўлиб Олди қушимни орага,* —

деб куйланади. Ушбу тўртлик сўзларини лугавий маънода тушунасак, лирик қаҳрамон қўшнинг фозга солган-у, бироқ қуш қарғалар қурушовада қолган қабилда жўн мазмунини англаймиз. Аксинча, халқ тасаввурини қўшнинг ёр, фознинг эзгу хабар, қарғанин ёмон хабар рамзий маъноларига таъниб қўшиқни талқин этсак, асл жалилий мазмун юзага чиқади. Лирик қаҳрамон айтаяптики: “Мен

бевосита анъанавий тасаввурга боғланган:

*Ўрдак олиб боқмадим, Гажагимни тақмадим. Шунча хизматлар қилиб, Мен ёримга ёқмадим.*

Кўшиқни ўрдак образининг туб ўзақ маъносига асосан талқин этсак, лирик қаҳрамоннинг: “Мен ёримни ҳеч кимга ёмон демадим, хиёнатни билмадим, лекин ёрим менга бегона”, деб ёзириши ойдинлашади.

Ёки: *Чорбоғингни сув босса, Ўрдак бўлиб сузайин. Золим ёрнинг дардини Дафтар қилиб ёзайин.*

Ушбу тўртлик қаҳрамони тақдирдан нолиб: “Ёримнинг золимликлари, зуғуми шунча бўлдики, ундан кутулсам, хурсанд бўлиб ҳаммага бир-бир айтиб чиқаман”, деб куйинмоқда. Ушбу:

*Дарду алам келибдир, Менинг бечора бошимга. Сойда ўрдак сузайдир, Кўздан оққан ёшимга,* —

деб куйланган тўртликнинг сўнгги икки мисрасини оддий муболага сифатида қарамаслик керак. Лирик қаҳрамон бўҳтонлари амалга ошириб хурсанд бўлаётган рақиблари ҳақида: “Улар менинги забун ҳолимни кўриб, хурсанд бўлишмоқда”, дея куйламоқда.

Сайфи Саройи ёзиб қолдирган

## ТИПСИМЛАНГАН ХАЗИНА

**Баъзида ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодини бир-бирига зид қўйишдек галати тенденцияга дуч келамиз. Аслида, атоқли назарий олим Шомирза Турдимов таъкидлаганидек, “адабиётнинг булукбоғиси — фольклордир”.**

Соддадан мураккабга, мураккабдан соддага, деган ибора бор. Халқ оғзаки ижодидаги соддаликни мураккабликдан кейинги соддалик деб тушуниш керак. Буни англамасликдан баъзан халқ кўшиқлари жўн айтими, санъатга дахли йўқ хиргойилар тарзида қабул қилинади. Ишораларни англаганимизда эса бир хайратимиз минг хайрат бўлади. Негаки, халқ оғзаки ижодининг ҳар бир мисраси тилсимланган, тағидаги маънони билиш учун эса ишоралар тилини, рамзлар маъносини тушунишимиз керак. Шу маънода “Ma'rifat” газетаси янги ташкил этган “Сим-сим” руқни биз ўқитувчилар дарсларимизни янада бойитишда қўл келиши шубҳасиз.

Адабиёт дарсликларидеги халқ оғзаки ижодида алоҳида ўрин берилади. Аммо кўпинча фольклор қотидаги яширин жозибани кўрсатиб бера олмаслигимиз оқибатда ўқувчиларга дoston ва кўшиқлар зерикариликде туолади. Бу эса миллий адабий муҳит, минг йиллик аъналардан узилиш ҳавфини ошириши мумкинки, бугунги глобаллашув даврида ёш авлодга халқ оғзаки ижодидаги рамзларни ўргатиш ўта долзарб масалага айланган.

Шомирза Турдимовнинг икки мақоласини ўқиб, халқ кўшиқларидаги рамзларни интернет манбаларидаги гиперхаволага ўхшатдим. Компьютер сичқончаси билан матндаги муайян сўзни боссангиз,

кўшиқда ҳам лирик қаҳрамон ёрининг бўҳтончи қўшни гапларига ишониб, араэлаганини дард билан куйлаган:

*Ўрдагимиз қос ўлди, фарағ қизи.*

(Яъни ёмон хабар “хуш”хабарга айланади.)

*Кўнғишимиз қамоз ўлди, ёндурмади.*

Мен ҳақимда ёлғон хабарлар тарқатиб, бўҳтонлар қилган ён қўшним бўлди, ёр бу гап-сўзларга ишонди, мендан узоқлашди (менга ён турмади). Бўҳтончи қўшним эканини билмабман. Кўшиқнинг сўнгги мисраларида бу маъно янада аниқлашади.

*Ёмон қўшни тилидан, фарағ қизи, Ёр биздан қочар ўлди, ёндурма кел!*

*Биз иккию севушканим, фарағ қизи, Бир неча қат думли, ёндурма кел!*

Келтирилган кўшиқ фоз ва ўрдак образларининг қадимдан келаётган рамзий образ эканини далиллайди.

3. **Қалдирғоч ва турна.** Бу образлар қарға, фоз ва ўрдакларга нисбатан кўшиқларда кам қўлланилади. Қалдирғочнинг хабарчи сифатида тасаввур қилинишини изоҳловчи айтимилардан бири афғонистонлик фольклоршунос Файзулла Аймоқнинг “Халқ дурдоналари” китобида келтирилган. Муаллифнинг ёзишича, кўкдам билан бирга келган қалдирғочдан:

*Қалдирғоч, Қанотинг етти қулоқ, Борсан, Келасан,*

Келтирилган кўшиқ фоз ва ўрдак образларининг қадимдан келаётган рамзий образ эканини далиллайди.

деб куйланиши турнанингни кўкдам билан келиб, кўзда қайтиши баробарида мавсумий ўзгаришларни кузатган халқнинг билим-тажрибалари замирида бу қўшнинг ҳам хабарчилар сирасида қаралишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, ўзбек халқ лирик кўшиқларида қўлланувчи хабарчи рамзлар халқнинг қадимий мифологик дунёқарашлари асосида пайдо бўлган. Бу образлар моҳиятан умумийликка эга бўлса-да, муайян матнда ўзига хос поэтик маънони ифода этиб келади.

Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори

## «Oltin qalam» tanloviga

*Семург моманг соққинами? Кўзлари берокқинами?*

деб сўралар экан. Бу айтими ҳам қалдирғоч образи билан боғлиқ қадимий мифологик тасаввурларга асосланади. Айни тасаввур кўшиқда лирик қаҳрамоннинг:

*Қалдирғоч, қалдирғоч, қора қалдирғоч, Элигга борсанг айт, бўз ўғлон келсин.*

*Азим дарёларга кўпир ясашиб, Дарёга бош бўлиб оҳ урган келсин,* —

деб куйлашига замин бўлмоқда.

Турна образи хабарчи, элчи сифатида халқ дostonлари ва ёзма адабиёт намуналарида кўплаб учрайди.

Кўшиқда: *Муллалар топмадим, ёндирсам қалам, Турналар топмадим, юборсам салом.*

*Кишининг ёрни етмади чорам, Ўзимнинг ёрима дуоий салом,*

деб куйланиши турнанингни кўкдам билан келиб, кўзда қайтиши баробарида мавсумий ўзгаришларни кузатган халқнинг билим-тажрибалари замирида бу қўшнинг ҳам хабарчилар сирасида қаралишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, ўзбек халқ лирик кўшиқларида қўлланувчи хабарчи рамзлар халқнинг қадимий мифологик дунёқарашлари асосида пайдо бўлган. Бу образлар моҳиятан умумийликка эга бўлса-да, муайян матнда ўзига хос поэтик маънони ифода этиб келади.

Умуман олганда, ўзбек халқ лирик кўшиқларида қўлланувчи хабарчи рамзлар халқнинг қадимий мифологик дунёқарашлари асосида пайдо бўлган. Бу образлар моҳиятан умумийликка эга бўлса-да, муайян матнда ўзига хос поэтик маънони ифода этиб келади.

Умуман олганда, ўзбек халқ лирик кўшиқларида қўлланувчи хабарчи рамзлар халқнинг қадимий мифологик дунёқарашлари асосида пайдо бўлган. Бу образлар моҳиятан умумийликка эга бўлса-да, муайян матнда ўзига хос поэтик маънони ифода этиб келади.

Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори

## ТИПСИМЛАНГАН ХАЗИНА

**Баъзида ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодини бир-бирига зид қўйишдек галати тенденцияга дуч келамиз. Аслида, атоқли назарий олим Шомирза Турдимов таъкидлаганидек, “адабиётнинг булукбоғиси — фольклордир”.**

Соддадан мураккабга, мураккабдан соддага, деган ибора бор. Халқ оғзаки ижодидаги соддаликни мураккабликдан кейинги соддалик деб тушуниш керак. Буни англамасликдан баъзан халқ кўшиқлари жўн айтими, санъатга дахли йўқ хиргойилар тарзида қабул қилинади. Ишораларни англаганимизда эса бир хайратимиз минг хайрат бўлади. Негаки, халқ оғзаки ижодининг ҳар бир мисраси тилсимланган, тағидаги маънони билиш учун эса ишоралар тилини, рамзлар маъносини тушунишимиз керак. Шу маънода “Ma'rifat” газетаси янги ташкил этган “Сим-сим” руқни биз ўқитувчилар дарсларимизни янада бойитишда қўл келиши шубҳасиз.

Адабиёт дарсликларидеги халқ оғзаки ижодида алоҳида ўрин берилади. Аммо кўпинча фольклор қотидаги яширин жозибани кўрсатиб бера олмаслигимиз оқибатда ўқувчиларга дoston ва кўшиқлар зерикариликде туолади. Бу эса миллий адабий муҳит, минг йиллик аъналардан узилиш ҳавфини ошириши мумкинки, бугунги глобаллашув даврида ёш авлодга халқ оғзаки ижодидаги рамзларни ўргатиш ўта долзарб масалага айланган.

Шомирза Турдимовнинг икки мақоласини ўқиб, халқ кўшиқларидаги рамзларни интернет манбаларидаги гиперхаволага ўхшатдим. Компьютер сичқончаси билан матндаги муайян сўзни боссангиз,

Камола АБДУРАҲМОНОВА, Олмазор тиббиёт коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚОРАҚАЛПОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2013-2014 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ**

T/p	Дарслик номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати
17	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
18	Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда)	А.Даулетов ва б.	2004	очиқ савдо
20	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
21	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
7-синф				
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
2	Она тили (Qaraqalpaq tili)	А.Давлетов ва б.	2013	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	К.Мамбетов ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Цой ва б.	2013	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2013	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	ижара
11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2013	ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2013	ижара
15	География	П.Ҳулломов ва б.	2013	ижара
16	Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
18	Қорақалпоғистон табиий географияси	Жаббарбергенов ва б.	2005	очиқ савдо
19	Қорақалпоғистон тарихи	А.Кочанов	2005	кутубхона фонди
20	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара
21	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
22	Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда)	А.Даулетов ва б.	2004,2008	очиқ савдо
23	Тасвирий санъат	А. Сулаймонов ва б.	2013	ижара
24	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
8-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
2	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	М.Давлетов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	К.Мамбетов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усманов ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Қорақалпоғистон табиий географияси	Е.Умаров ва б.	2004, 2008	очиқ савдо
22	Қорақалпоғистон тарихи	М.Тлеумуратов	2004-2008	очиқ савдо
23	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
24	Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда)	А.Даулетов ва б.	2004,2008	очиқ савдо
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	М.Давлетов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	Т.Мамбетниязов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
10	Қорақалпоғистон тарихи	С.Камалов ва б.	2002, 2004	очиқ савдо
11	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
15	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
16	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
18	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикир耶в ва б.	2010	ижара
19	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2010	ижара
20	Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
21	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
22	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006,2008	очиқ савдо
23	Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда)	Г.Мамбетназарова	2002, 2008	очиқ савдо
1-синф				
1	Алифбе (Alipbe)	Қ.Ҳожамуротова ва б.	2013	Бепул
2	Ўқш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Қутлимуратов ва б.	2013	Бепул
3	Она тили (Ana tili)	Б.Қутлимуратов	2013	Бепул
4	Езув дафтари	А.Даулатов ва б.	2013	Бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2013	Бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2013	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2013	Бепул
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2013	бепул
9	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2013	бепул
10	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2013	бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2013	бепул
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
13	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	бепул
2-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара
2	Она тили (Ana tili)	Б.Қутлимуратов ва б.	2012	ижара
3	Ўқш китоби (Oqiw kitabi)	Б. Қутлимуратов	2012	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2012	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Ҳулломов ва б.	2012	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	ижара
8	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2010	ижара
11	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара
2	Она тили (Ana tili)	Е.Давенов ва б.	2012	ижара
3	Ўқш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Калимбетов ва б.	2012	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	С. Бурханов ва б.	2012	ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2012	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2012	ижара
8	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2010	ижара
11	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2013	ижара
2	Она тили (Ana tili)	Е.Давенов ва б.	2013	ижара
3	Ўқш китоби (Oqiw kitabi)	Е.Бердимуратов ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	М.Алиев ва б.	2013	ижара
5	Математика	Н.Бижбаева ва б.	2013	ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2013	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2013	ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2013	ижара
10	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
11	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	ижара
12	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2013	ижара
5-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара
2	Она тили (Qaraqalpaq tili)	Е.Бердимуратов ва б.	2011	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	Ж.Пирниязов ва б.	2011	ижара
4	Русский язык	О.Қодинова	2011	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
7	Француз тили «Bonjour la France»	А.Носиров ва б.	2011	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара
9	Қорақалпоғистон тарихи	С.Камалов ва б.	2004	очиқ савдо
10	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара
11	Информатика	Д.Камоллиддинова	2012	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
13	Табиий география бошланғич курси	П.Ҳулломов ва б.	2011	ижара
14	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
15	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди
16	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
17	Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда)	А.Даулетов ва б.	2004,2008	очиқ савдо
6-синф				
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
2	Она тили (Qaraqalpaq tili)	М.Давлетов ва б.	2013	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	З.Айжанова ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2013	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2013	ижара
8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2013	ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2013	ижара
13	Қорақалпоғистон тарихи	Кочанов ва б.	2005	очиқ савдо
14	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
15	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
16	Муסיқа	С.Бегматов ва б.	2013	ижара



Неча минг йиллардан буён инсон «тафаккур нарвони»дан бирма-бир юқорилаб, тобора юксакликка кўтарилмоқда. Одамлар тақдири, ҳаёт тарзи босқичма-босқич ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Катталиги уйдек келадиган фотоаппарат ихтиро қилинганидан то ҳозирги — гугурт кутिकासидек мосламага жойлаштирилган ноёб қурилма кашфиётлари ахборот технологиялари тараққиётининг янги даврига йўл очмоқда.

Табиийки, аксарият ихтиролар асосида аввало инсонларнинг оғирини енгиш, узогини яқин қилиш мақсади ётади. Демак, мураккабликдан қулайликка интилувчи одамзодни азалий қисмат доимий тарзда ўйлашга, фикр юритишга ва алаҳ оқибат буюк ўзгаришлар содир этишга ундаб туради. Куйида дунёда машҳур олимлар томонидан поёнига етган 2012 йили яратилган, ҳамда Ер кўрраси аҳлини энг

са, панорамали суратга олиш тизими кўплаб мижозларга маъқул келмоқда. Биласизми, сайёрамининг ривожланган мамлакатларида яшаётган ҳар беш кишининг бирида iPhone аппарати мавжуд экан. Дунё миқёсида тобора шухрат қозониб бораётган ахборот технологиялари асрининг мазкур нодир намунаси шу соҳада фойда топишдан умидвор бўлган ҳар қандай ишлаб чиқарувчи корпораци-

компьютерлаштирилган тизимга нотўғри маълумотлар кела бошлайди. Қараб-сизки, учувчилар бир зумда "йўл"дан адашади...

Мазкур муаммо узоқ йиллардан буён авиа-муҳандисларни чуқур ўйга толдириган, кучли олимларни ўз устида жиддий ишлашга чорлаб келаётганиди. Ниҳоят, ушбу масаланинг энг мақбул ечимини топиш шарафи австралиялик бир гуруҳ олимларга насиб этди. Улар авиаҳалокатларнинг олдини олиш, вазиятни эрта аниқлашга хизмат қилувчи, ҳаво тезлигига тенг ҳаракатланув-



қа шу сингари лаборатория жиҳозларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оддийгина қварцдан қилинган. Шу боис унга кимёвий ечимини топиш шарафи австралиялик бир гуруҳ олимларга насиб этди. Улар авиаҳалокатларнинг олдини олиш, вазиятни эрта аниқлашга хизмат қилувчи, ҳаво тезлигига тенг ҳаракатланув-

Бундан ташқари, у 1000 даража иссиққа икки соат

Bilasizmi?

бири — автомобиль. Бугун шаҳар кўчаларида машиналарнинг бамисоли тўхтовсиз оқимида гувоҳ бўлиш мумкин. Сир эмаски, кўлаб мамлакатлардаги гавжум трассаларда бир неча километрларгача чўзилган тирбандликлар тез-тез кузатилмоқда. Шу тобда ҳайдовчиларнинг хаёлидан: "Қаёнда, машинам қанот чиқариб учса-ю, манзилimgа тезроқ етиб олсам", деган ажабтовор истак ўтса, ажабмас. Ахир, шундай тирбандлик муаммосига дуч келган ҳайдовчиларнинг ҳатто куннинг қоқ ярмигача қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. На тижда улар ишхонасига ёки ўқушга ўз вақтида етиб бормайди, аксарият режалар барбод бўлади, асаблар таранглашади.

Олимлар мана шу ҳолатларнинг олдини олиш, қолаверса, тирбандликлар натижасида келиб чиқадиган асаббузарликлар, автоҳало-

ЮКСАК ИХТИРОЛАР «ТЎРТЛИГИ»

ёхуд ўтган йили тарихга муҳрланган гаройиб кашфиётлар хусусида

кўп ҳайратга солган тўрт воқелик ҳақида тўختаламиз. Мазкур «тўртлик» жаҳоннинг энг машҳур илмий-оммабоп журналлари ҳамда электрон нашрлари орқали ўтказилган сўровномалар натижасига кўра тузилган.

Кундалик ҳаётимизни айни кунда уяли алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш мушкул. Телефон аппаратлари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг йиллик даромадлари эса автомобиль концернларидан қарийб фарқ-

яни ўйга толдириши турган гап. Айни пайтда "Apple" компанияси маҳсулотлари билан жаҳон бозорига фақатгина Жанубий Кореянинг "Samsung" фирмаси рақобатлашиш кудратига эга. Бироқ икки йирик корпорация ўртасида юзага келган вазият шунчаки кучли рақобатми ёки қарама-қаршиликми, бунини билиш мушкул. Ажабланарлиси шундаки, ўтган йили "Ярим олма" компанияси корейлик ҳамкасбларини плагиатликда айблаган, судга мурожаат этишган. Суд эса ҳамон аниқ бир тўхтамагача келишга шошилмаяпти. Экспертларнинг айтишича, "Apple" асосчиси Стив Жобс бевақф вафот этмаганида, мана шундай нохушликлар вужудга келмасди...

Анъанавий телефон кашф этилганига ҳеч қанча вақт бўлмади, «пўлат қуш»лар яратилган ва дунё аҳли қайсидир маънода ўзининг азалий орзусига етишганди. Бу — самолёт. Замонавий самолётларга ўрнатилувчи Пито трубкасига парвоз чоғида чанг-тўзон ёпирилиши, қушлар ва ҳашаротларнинг келири урилиши оқибатида бир неча бор кўнгилсиз ҳодисалар, авиаҳалокатлар кузатилган. Чунки трубкага ташки жисмларнинг урилиши ёки нуқулай об-ҳаво шароитида музлаб қолиши туфайли учувчилар кабинасидаги

чи янги лазерли датчикни ихтиро қилишди. Ҳаво оқимини назорат қилувчи мазкур гипертосушли мўъжаз қурилма патентини Янги Жанубий Уэллс университети тадқиқотчилари Шон О'Бирн ва Свен Виттиг кўлга киритди.

Янги қурилманинг иш йўсини мураккаб: у лазер дастаси ёрдамида парвоз тезлигини ўлчаш билан бир вақтда ҳаводаги кислород молекулаларининг парчаланшига қараб фотонларнинг ҳаракатланиш частотасини аниқлайди. Аммо ушбу ихтиро ҳали «пўлат қушлар»га ўрнатилиб, синовдан ўтказилганича йўқ. Шуниси маълумки, ушбу қурилма Пито трубкасининг ўрнига ўрнатишмайди, балки унга ёрдамчи восита сифатида қўлланилади.

Ўтган йилнинг учинчи рақамли ихтироси — Япониянинг "Hitachi" компанияси бир неча юз йиллар мобайнида рақамли ахборотларни ўзида сақлашга қодир, "сувда чўкмас, ўтда ёнмас" флеш-карта қурилмасини ишлаб чиқарди. Аммо унинг кўриниши кишида ажабтовор ҳайрат уйғотади: квадрат шаклдаги ойнаванд пластичанинг эни атиги 2 миллиметр, узунлиги эса 2 сантиметри ташкил этади. Унинг ташки қопламаси кимёвий пробиркада, қолба ва бош-



мобайнида дош бера олади. Айна шундай хусусиятлари эвазига уни том маънода ахборотларнинг "ишончли кўрғони" деб аташ мумкин.

Бугунги кунда одамлар ва ташкилотлар кенг фойдаланаётган — маълумотларни тўплаш ва сақлашга хизмат қилувчи анъанавий турдаги ускуналар ташки омилар таъсири кузатилмаган тақдирда ҳам, жуда оз фурсатда яроқсиз ҳолга келади. Шу тарихда унда сақланаётган кўплаб ноёб маълумотлар йўқолади, осонгина ўчиб кетади. Уни тиклашнинг кўпинча имкони бўлмади, бўлганда ҳам катта меҳнат ва маблағ талаб этади. Шунингдек, бугун кенг тарқалган — қаттиқ дисклар ёки CD, DVD дискларга жамланган маълумотларини ҳам сув ва ёнғиндан асраган ҳолда ортиги билан бир неча ўн йил сақлаш мумкин, холос.

Янги ускуна эса ҳар қандай фавулодда ҳолатда ҳам ишлашда давом этаверади, ҳеч қандай табиий ўзгаришлар жараёни унинг на ташки кўринишига ва на ичида сақланаётган маълумотларнинг хавфсизлигига путур етказмади. Янги флеш-картанинг яна бир афзалиги шундаки, у 40 мегабайтга ахборотни сиғдирди олади. Айни кунда японияликларга жаҳоннинг энг номдор молия муассасалари ва ахборот агентликларидан тўхтовсиз бўртмалар тушмоқда...

Инсон тафаккурининг энг ажайиб маҳсулларидан яна

катларни камайтириш мақсадида янги "Terrafugia Transition" деб номланган ростакан учар автомобилни яратишди.

Маълумотларга кўра, автомобилсозликда янги босқични бошлаб берган йўлга қанотли супермашина икки кишилик ўриндиққа эга. Қулай жиҳати шундаки, "Terrafugia Transition" автомобилларини ерда ҳам ҳайдаш мумкин. Бунда у соатига 200 километргача тезликда ҳаракатланади. Фақат бир кичик муаммони ёддан чиқармаслик лозим: машина қанотларини ёзиб, ҳавога кўтарилиши учун 1,7 км. масофа талаб этилади. Дарвоқе, учиб пайтида унинг тезлиги соатига 185 километрге этади. Ҳозирги кунда муҳандислар машинанинг хавфсизлик масалаларини таҳлил этмоқда...

Кўриниб турибдики, олимлар томонидан олиб бориладиган изланишлар, яратилаётган ихтиролар ҳаёт тарзи-мизни янада энгиллаштирашга, мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган. Инсон тафаккури, олтин кўллари бундан-да юксак ихтиролар қилишга қодирлигига жорий йилда ҳам кўп бора шоҳид бўлсак, ажаб эмас. Одамлар яратган кашфиётларига шунчаки буюм сифатида қараб, уларни зинҳор умумбашарий қадриятлардан, табиат қонуниятларидан устун кўймаслиги лозим.

Ш.Жўраева тайёрлади.




ланмайди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида "Apple" компанияси iPhone смартфонларининг бешинчи авлодини омма эътиборига ҳавола этганидан хабарингиз бор, албатта. "Apple iPhone 5"нинг ташки кўринишида бироз ўзгариш бор: унинг экрани ойна билан қопланган ҳамда қолган қисми алюминийдан ишланган. Бетақдор кашфиёт оғирлиги аввалгисидан кўра 20 фоиз энгилроқ бўлса, қалинлиги 18 фоизга қисқарди. Дисплейи 4 дюймли аппаратнинг 8 Мп экранига 1136x640 ўлчамдаги ахборот сиғади. Экран фаолиятини муҳофаза қилувчи iWork ва iLife пакетлари такомиллаштирилди. Бундан ташқари, унга янада кучлироқ "Apple A-6" процессори, икки диапазонли Wi-Fi антеннаси ҳам муҳирона тарзда ўрнатилган. Қолавер-



**СУЗУВЧИ  
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ  
СИНОВДАН  
ЎТКАЗИЛМОҚДА**

Швейцариянинг «Viteos» энергетика компанияси келгусида Невшател қўлида учта сузувчи электростанция қурилишни эълон қилади. «Nolaris» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилиши кўзда тутилган орол 100та фотоэлектр панелларидан иборат бўлиб, унинг диаметри 25 метрни ташкил этади.



Компания мутахассислари томонидан айни дамда қурилмага сув, шомол ва тўлқинларнинг қай даражада таъсир кўрсатиши ўрганилмоқда.  
Сузувчи оролнинг ёрувликни максимал даражада ўзлаштириши учун панеллар қўйиш ҳаракати йўналиши бўйлаб 220 даража бурилиши мумкин.  
Панеллар ҳаво тўлдирилган махсус қурилмаларга ўрнатилгани боис уларнинг ҳам энгил, ҳам камҳаражат бўлиши таъкидланмоқда.  
Лойиҳа муаллифларининг маълум қилишича, қирғоқдан унча олис бўлмаган жойда сузиб юрвчи электростанцияни ишга тушириш жорий йилнинг май ойига мўлжалланган. тажриба-синов жараёни эса чорақ аср давом этиши кўзда тутилган.

**КОЛИБРИНИНГ СИРЛИ ПАРВОЗИ**

Ушбу миттигина кўш ўзининг бир қанча хусусиятлари билан олимлар эътиборини жалб қилиб келади. 2 граддан 20 грамгача оғирликда бўлган кўшча 16 соат давомийда тўхтовсиз парвоз қилиши ва бу мuddat ичида ўз вазини камайтирмасдан 800 километр масофани босиб ўтиши мумкин. Ушбу натижани ҳозирча инсон томонидан яратилган бирон-бир техника қайд эта олгани йўқ.



Кolibрilar вертолётлар сингари оёғини осмонга қаратиб (қисқа мuddat) ён ва орқа томонга ҳам парвоз қила олади. Шунингдек, у бир сонияда ўз тана узунлигидан 400 маротаба зиёдрок масофани босиб ўта олади (бу соатига 100 километр тезлик дегани).

Кolibрilarнинг яна бир хусусияти, улар думлари ёрдамида турли ҳолатда ҳавода муаллақ тура олади. Масалан, қалқанча ҳолатда ҳавода муаллақ турган пайтида думи ерга нисбатан перпендикуляр бўлади. Кўшчанинг бу ҳаракатларини олимлар 2005 йили ўрганишган эди. Ушанда рангли кукун пуркалган ҳавода коллибри қанотлари вертолёт винтлари сингари ҳаракатланиб, паррандани ушлаб турувчи гирдоб ҳосил қилиши аниқланган.

Дуглас Альтшулер бошчилигидаги Калифорния университети мутахассислари бир сонияда 1000та кадр олдувчи видеокамера ёрдамида коллибрининг қанот қоқшини яна бир бор тасвирга олишди. Маълум бўлишича, ҳар бир қанот қоқшида уларнинг ости ва устида иккитадан бир-бирига уланиб кетувчи гирдоб ҳосил бўлар экан. Олимларнинг таъкидлашича, ҳалқаланган иккита гирдоб учиб жараёнида кўшнинг кам энергия сарфлашини таъминлайди. Шунингдек, ҳаракат пайтида бир жойда туриш, ён ва орқага учиб, ҳолатни ўзгартиришга ёрдам беради.

Айни дамда тадқиқотчилар коллибри қанотлари ҳаракатига асосланган ҳолда учиб воситаларининг

**МИЛЛИЙ САЙТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛДИ**

Ўзбекистон Миллий университетидан Mit.uz — Миллий интернет танловининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистонда миллий интернет тизимини ривожлантириш, ёшларда ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва миллий сайтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.  
— Бугун дунёдаги ҳар уч кишининг бири интернетдан фойдаланади, — дейди Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаш-

*Tadbir*

тириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Шерматов. — Уларнинг аксарияти ёшлар. Айрим чет эл сайтларининг салбий жиҳатлари шундаки, уларда қўллаб асосланмаган фактлар, беҳаё тасвирлар жойлаштирилган. Ёшларни бу муаммодан қутқариш учун миллий сайтларимизни ривожлантиришимиз зарур.  
Тадбирда келгусида соҳани янада такомиллаштириш зарурлиги, "Ўзбе-

тезлиги, энергия тежамкорлиги ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган тажрибаларни давом эттирмоқда.

**LGдан СИМСИЗ  
ҚУВВАТЛОВЧИ УСКУНА**

«LG Electronics» компанияси Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган «Mobile World Congress-2013» кўргазмасида смартфонлар учун

«WCP-300» симсиз қувватлаш ускунасини тақдим этди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг маълум қилишича, назкур аксессуар доира шаклида бўлиб, диаметри 6,9 сантиметрни ташкил этади. Аввалги ускуналардан фарқли равишда мосламанинг қувватловчи майдони 1,7 сантиметрге кенгайган.



Симсиз қувватлаш мосламаларининг ишлаш механизми магнит майдони индукциясига асосланган бўлиб, улардаги махсус галтак магнит майдонини вужудга келтиради. Мобиль телефонидagi худди шу сингари бошқа галтак эса қабул қилинган энергияни ўзгармас тоққа айлантиради ва натижада аккумуляторлар қувватланиши бошлайди.

«WCP-300» модели симсиз қувватлаш технологияси асосида яратилган Qi русумли аккумуляторларга мосланган бўлиб, бундай батареялар «Nexus 4», «Optimus G Pro», «Vu II» ва бошқа смартфонларда қўлланилмоқда.

Нархи 60 доллар атрофида дея баҳоланаётган мосламанинг яқин кунларда эркин савдога чиқарилиши мўлжалланмоқда.

**КУНДАЛИК БУЮМЛАР ХАВФИ**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таркибидан инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи кимёвий моддалар мавжуд бўлган кундалик буюмлар хусусида янги маълумотлар эълон қилинди.

«Daily Mail» нашрининг маълумот беришича, зарарли кимёвий қўшимчалар болалар ўйинчоғи, пластик пол қопламалари, кредит карточкалари ва шунга ўхшаш кундалик буюмларда кўпроқ учрайди. Мутахассислар бу буюмлар таркибидан фталатлар — фтал кислотаси тузи ёки эфири борлигини аниқлашди.



Пластик тайёрлаш саноатида ишлатилувчи кимёвий модда репродуктив саломатликка салбий таъсир қилиб, жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, фтал кислотаси болаларда лейкомиа хасталигининг ривожланишини ҳам кучайтирар экан. Тадқиқотчилар консерва идишлари ва қўшдан ҳимояловчи кўзойнақларда ҳам бундай кимёвий модда борлигини аниқлашди.

Маълумотда келтирилишича, кимёвий таркибли буюмларнинг саломатлигимизга таъсири шу билан ниҳоятча етмайди. Улар, шунингдек, қалқонсимон без гормонларига таъсир қилиб, болаларда ақлий фаолиятнинг секин ривожланиши, миёда нуқсонлар пайдо бўлиши ва гиперактивлик синдроми вужудга келтириши мумкин.

Кундалик фаолият давомида одамларга фанга маълум ва номаълум минглаб кимёвий моддалар таъсир қилади. Бу моддаларнинг баъзиларини чанг зарралари, баъзиларини эса озик-овқат орқали қабул қиламиз.

**С.РУСТАМОВ,  
Д.АБРАЕВА тайёрлади.**



Лас Вегас шаҳри полицияси томонидан 21 февраль кунини шаҳар марказида отишма содир этиб 4 кишининг умрига зомин бўлган 26 ёшли Аммар Хорис исмли фуқаронинг қўлга олингани ҳақида хабарлар тарқатилган.

Япониянинг Осака шаҳрида истиқомат қилаётган, 5 март кунини эса 115-бахорини қарши олувчи аёл — Мисао Окава дунёнинг энг кекса одами дея тан олинди. Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди ва унга «Guinness World Records» компаниясининг сертификати топширилди.

Кучли шомол эсиши натижасида Монголия чўлларидан кўтарилиб Хитой пойтахти Пекинни қоплаб олган чангли куён шаҳардаги вазиятни бирмунча мураккаблаштирган, аммо тирбандлик ва йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилмаган.

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида ўйнаб аёлларнинг ҳаётига суъиқасд уюштириши режалаштиришда айбланётган 28 ёшли полиция офицери Гилберт Ваие устидан суд жараёни бошланди.

Австралия полицияси томонидан 4 ой давом этган кузатувлар натижасида тозалаш воситалари ортиланге кема орқали мамлакатга кириб келаётган умумий қиймати 440 миллион долларни ташкил этувчи 585 килограмм метамфетамин наркотик моддасининг йўли тўсилиб, ушбу модда савдоси билан шугулланувчи уч киши қўлга олинган.


Ироқ пойтахти Багдод шаҳри марказидан оқиб ўтувчи Тигр дарёсида бортида 150 киши бўлган сузувчи-рестораннинг чўкиб кетиши натижасида 15 йўловчи-хўранда ҳалок бўлган, бедарак йўқолган яна бир неча кишини қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Лисунова 4-даха 29-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган 31-сон оилавий поликлиниканинг юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚЛИНАДИ.**

**Олим ЖУМАБОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири**

Gurung



Салом Баҳор, Сен борлиқнинг гўзал дояси,  
Табиатни уйғотгувчи сир, мўъжизаси.



Kuzatuv

АППАДА МЕХР БОР...

... Болажон чирқиллаб йиғларди. Келинчак уни у қўлига, бу қўлига олди, овутолмади. Унинг «уф-уф»дан нарига ўта олмаётганини кўрган қайнонаси кичкинтойни бағрига босганча оҳистагина елкаларига уриб, майин оҳангда хиргойи қила бошлади:

Яхши ниятдир мурод, алла.  
Элу юртга суянсанг, алла,  
Сенга бўлгуси қанот, алла...

Болажон аввалига кўзчаларини пирпиратиб ётди-да, секин уйкуга кетди. Келинчакнинг ҳам чехраси ёришди. Қайнонасини жуда-жуда яхши кўриб кетди. Алланинг сўзларини бир-бир ийиб қолишга уринди. У ҳар гал алла айтган оналиқнинг беқиёс меҳри юрак-юрагидан куйилиб келаётгандек ажиб тотли хисдан ўзини хушвақт сезарди...

**Дилфуза КАРИМОВА,**  
Навоий вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси

Ухла, кўзим, юлдузим,  
Қора кўзим, кундузим, алла.  
Оппогимсан, жонимсан,  
Дилимда оромимсан, алла.  
Йўлбарслардай юраклим,  
Қоплонлардай билаклим, алла.  
Яхши-ёмон кунимда,  
Менга жуда кераклим, алла.  
Сенга қўйдим яхши от, алла,


Biz bilgan va bilmagan dunyo

БАЛИҚЛАР ОПАМИГА САЙР

Болалигимизда синфдошларимиз билан гоҳида ҳовлимиз этагидан оқиб ўтувчи анҳорга ўзимизча балиқ овига борардик. Аммо қанчалик уринмайлик табиатнинг бу мўъжизаси бизга сира тўткин бермасди. Ясама қармоғимизга нон урвоқларини ҳам, чувалчанларни ҳам ёмиш тариқасида илтириб сувга ташлардик. Лекин овимиз сира бароридан келмасди. Ёдимда, бировки бор майда балиқчалар қармоғимизга эмас-у, челагимизга «илашиб» чиққан. Уларни банкларга солиб термуларканмиз, бундан ўзига хос завқ олардик. Балиқларни тўла «таниш» илмини эса китоблардан олдик.

Балиқлар умуртқали ҳайвонлар саналиб, сувдаги кислород билан нафас олади. Аксарият балиқлар думи ёрдамида сузади. Балиқларнинг номлари ҳам қайсидир маънода кўринишларини ўзида мужассамлаштиради, десак бўлади. Яъни, «Арра балиқ», «Тўти балиқ», «Шер балиқ», «Тирпратикан балиқ», «Капалак балиқ»...

Кўплаб денгиз балиқлари сув юзасида «истикромат қиларкан». «Арра балиқ» ва «Скат» ден-



гиз тубини хушлайди. Маржон қоялар яқин жойларда илиқ сувларда яшайдиган балиқларнинг ранги ялтироқ бўлиши кузатишган. Бу эса уларнинг маржонлар орасида яшаш ва ўлжасига сездирмай яқинлашишга ёрдам беради. Итбалиқ ўз танасини ҳаво шарисимон шишириб сузаркан. У шу кўринишида душманларини хайқитириб ҳам туради.

Катта оқ ақула ақулалар орасида энг хавфлиси саналар экан. У жуда тез сузади. Узунлиги 9 метргача етади. Илмий изланишлар давомида китларнинг 250дан ортиқ тури аниқланган бўлса, улардан 12 туригина инсон ҳаётига хавф солиши исботланган.



Баҳор яқинлашиши билан курттаклар жонлана бошлайди. Момоларимиз бу паллада «Кўклам келди, дарактлар уйғониши билан одамнинг мадорни кўриб, қуввати сусяди...» дея тадоригини кўра бошлашади. Чунки айни шу пайтда инсон ўзига ўзи «қарашмаса», турли касалликларнинг келиб чиқишига изн бериб қўйиши ҳеч гап эмаслигини замонавий тиббиёт ҳам аллақачон исботлаган. Уй шароитида баҳорой-

КўКЛАМ ҚУВВАТИНГИЗНИ «ОЛИБ ҚЎЙДИМИ?»

нинг ташрифи сабаб организмиздаги камайдиган А витамини ўрнини тўлдирувчи қўйдир мулклардан фойдаланиш мумкин:

✓ Эмалланган идишга 3 дона туршак, 5 дона олхўри қоқиси, 3 дона анжирнинг қуритилгани, 2 дона олмани бўлақлаб, 1 ош қошиқда майиз, 2 бўлақча лимон солиб, 2 стакан қайнаган сувда паст оловда 5-10 дақиқа қайната-сиз. Тиндирилган қайнатма ва ичидаги неъматларни эрталаб нонуштада истеъмол қиласиз.

✓ 1 стакан сули 5 стакан сувда қайнатилади. Қайнатма кисел ҳолига келгач, оловдан олинади ва доқада сузилиб кисел микдорича сут билан аралаштирилади. 4-5 чойқошиқда асал қўшилиб, кун давомида уч-тўрт марта ярим стакандан ичилади.

✓ 1 стакан сабзи шарбати 1 чой қошиқ зайтун ёғи билан аралаштирилиб, наҳорда ичилади. Бу коктейлни 15 кун, бир ҳафталик танаффусдан кейин яна 15 кун истеъмол қилсангиз, баҳорнинг ҳужуми асло қувватингизни олиб қўя олмайди.

НАСРИДДИН АФАНДИ ПАТИФАЛАРИ

ҚЎЙНИНГ НАРХИ

Афанди қўйини сотиш учун бозорга олиб борди. Бир харидор келиб қўйнинг нархини сўраган эди, Афанди жавоб берди:

— Ҳа, у кишининг бу кишидан арпа олгани рост, — деди.  
— Ҳа, у кишининг бу кишидан арпа олгани рост, — деди.  
— Ҳа, у кишининг бу кишидан арпа олгани рост, — деди.



ИЛОЖ ҚАНЧАЛИК

Афанди бир ошнаси билан ошхонага кириб чучвара олишди. Афанди чучварани иккитадан олиб оғзига солаётган эди, ошнаси тўхтатди:

— Шошманг, сиз нега чучварани иккитадан олсангиз? — деди.  
— Қандоқ қилай, — деди Афанди, — утадан оғзимга сизгаси, иложим қанчалик!



ҚИРҚ ЙИЛЛИК СИРКА

Бир куни қўшнисини Афандидан сўради:

— Сизда қирқ йиллик сирка бор деб эшитаман, ростми?  
— Ҳа, рост, — деди Афанди.  
— Сиркани қирқ йил қандоқ асрадингиз? Пича беринг-чи...  
— Ҳар кимга пича-пича бераверсам, сирка қолармиди, — деди Афанди.

СУВ БАЙРАМИНИ БИПАСИЗМИ?

Сув табиатнинг бебаҳо неъматидир. Ҳаётимизни усиз тасаввур этиб бўлмаслиги барчамизга кундек равшан. Аммо сувдан исроф қилмай, тежаб-тергаб фойдаланиш масаласи қанчалик долзарб мавзу сифатида кун тартибига қўйилмасин, ҳамон орамизда ундан кўр-кўрона фойдаланувчилар йўқ эмас.

Turfa olam

Ота-боболаримиз сувни оқилона ишлатишга алоҳида эътибор қаратишган. Дейдиларки, қадим замонларда қурғоқчилик одамларнинг тинкаю мадорини қуритган кезлари алоҳида сув байрамлари ўтказилган экан. Бунда махсус ёмғир қақирувчилар бўлиб, сувга чанқоқ одамларни сувни ардоқлаш, ариқ-зовурларни тозалашга ундашган. Сув байрами нишонланган куни одамлар дарё, қўл, ариқ бўйларига чиқиб карнай-сурнайлар чалишган, думбюра, доира, дугтор садолари янраган. Ариқ сувидан чой дамлашган. Ёши улуғлар ўсимирлар, болаларни атрофига жамлаб, сув билан боғлиқ ривоятларни қийоқлардан айтиб беришган. Болалар сувда чўмилиб, «Олма отиш», «Копток отиш» ўйинларини ўйнашган. Бо-



шига оғир савдо тушганлар сув бўйига келиб, мушкулми осон бўлсин дея сувга дардларини, тушларини айтишган. Шу куни чақалоқлар оқар сувда чўмилтирилган.

Албатта, бу байрам хусусида кимдир билар, кимдир йўқ. Аммо сувни эъозлашга даъват бугун ҳар кунгидан-да муҳим, аҳамиятлидир. Шундай экан, беминнат дастёримиз, энг сеvimли ва азиз неъматимиз сув ва унинг асраб-авайланишига лоқайд бўлмайлик.

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

## ПУХТА ҲОЗИРЛИК — ЯРИМ ҒАЛАБА

Мамлакатимизда уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларининг мунтазам равишда ўтказиб келинаётгани кўлаб иқтидорли ёшларнинг кашф этилиши ҳамда уларнинг орзулари рўйбга чиқишида бекиёс имкониятлар эшигини очмоқда.



ри ихтиёрига берилгани ҳам «Универсиада-2013» спорт мусобақаларидан улкан натижалар кутилаётганидан дарак беради.

Йил бошида минглаб талабалар орасидан сараланган ёшлар айна дам тажрибали мураббийлар бошчилигида Универсиаданинг финал босқичига сўнгги кадамни муваффақиятли ташлашга интилоқда. 12 спорт тури бўйича 130 нафар талаба 17 мураббий бошчилигида Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари жамоаларига қарши ўтадиган ҳудудий саралаш босқичида иштираётган ҳозирлик кўрмоқда.

### Норкуват ТўРАЕВ

Сурхондарё вилояти

Маълумки, олий таълим муассасалари спортчи-талабалари ўртасидаги навбатдаги Универсиада мусобақаларига бу йил Бухоро шаҳри мезбонлик қилади. Айни пайтда республикаимизнинг барча вилоятларида мазкур улкан спорт байрамига қизғин тайёргарлик жараёни давом этмоқда.

Хусусан, Термиз давлат университети талабалари ҳам йилнинг энг эътиборли спорт байра-

мидан ажойиб натижалар кутмоқда. Шу боис, университет жамоаси ҳар бир кунни ганимат билан тажрибали мураббийлар кўмағида тинимсиз машгулотлар олиб бормоқда.

Шуниси эътиборлики, талабаларнинг мусобақага жиддий тайёргарлик кўриши учун вилоят ҳокимлиги ҳамда университет раҳбарияти томонидан барча шaroитлар яратилган. Айниқса, яқинда фойдаланишга

топширилган университетнинг спорт зали талабаларга янада куч бағишлади. 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига қад рoстлаган замонавий спорт қoшоносида талабалар спортнинг бир неча тури билан шуғулланиб, маҳоратини оширишмоқда. Қoлаверса, вилоят ҳoқими ташаббуси билан 10 минг ўринга мўлжалланган «Сурxon» спорт мажмуасининг университети ёш-



### ҚИЗҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР ОПИДИДА

Теннис бўйича Дубай шаҳрида давом этаётган нуфузли халқаро турнирда швейцариялик Роджер Федерер чорак финалда йўлланма олди. У нимчорак финалда испаниялик Марсел Гранольерса қарши қорға чикди.



Бир соату ўн бир дақиқада чўзилган матчда 6:3, 6:3 ҳисоби қайд этилди. Федерер икки бор рақибининг зарбасини муваффақият билан қайтарди. Гранольерса эса уч марта брейк-поинтда имкониятини бой берди.

Энди чорак финалда швейцариялик спортчи рус ракеткачиси Николай Давиденко билан куч синашади.

Сербиялик Новак Жоквич эса нимчорак финалда испаниялик Роберто Баутиста-Агутани 6:1, 7:6 ҳисоби билан етди. Матч 1 соату 30 дақиқа давом этди. Новак чорак финалда италиялик Андреас Сеплини синодан ўтказди.

### РОНАЛДУДАН «ДУБЛЬ»

Футбол бўйича Европанинг бир қатор яшил майдонларида мамлакат кубоги доирасидаги муҳим учрашувлар бўлиб ўтди. Уларнинг орасида «Барселона» ҳамда «Реал» ўртасида кечган баҳс кўпчиликнинг эътиборини тортди.



Испания кубоги учун кечган ярил финал матчининг жавоб учрашувида каталонияликлар ўз майдонида мадридликларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Меҳмонлар сафида Криштиану Роналду дубль қайд этди. Шу тариқа «Кopa дель Рей» финалига Муорино шогирдлари йўл олишиди. Хал қилувчи учрашууда улар «Атлетико» клубига қарши тўп суради.

Шунингдек, Германияда ҳам кубок ўйинлари ўтказилди. Чорак финалдаёқ ўзаро рубару келган «Бавария» ва «Боруссия» (Дортмунд) қарама-қаршилигида Роббен томонидан киритилган гол (1:0) ягоналигича қолди. Ярил финал йўлланмаси эгаси Дортмундда аниқланади.

Англия кубоги мусобақасида кеча «Мидлсбро» ни енган (0:2) «Челси» энди чорак финалда «Манчестер Юнайтед» билан куч синашади.

### КЛИЧКОЛГА «РЕВАНШ» ИМКОНИЯТИ

Бокс бўйича супероғир вазн тоифасида мутлақ жаҳон чемпиони украиналик Владимир Кличко шу йилнинг 4 май куни Германиянинг Мангейм шаҳрида рингга қўтарилади, дея хабар тарқатилди [Boxrec.com](http://Boxrec.com) веб-саҳифасида.

Муҳлислар анчадан буюн Кличколар иштирокидаги мусобақани кўришмаётганди. Демак, Владимирнинг яна мушлатуше кенасида иштирок этаётгани бокс ихлосмандлари учун хушхабар десак муболага бўлмайдми.



У EBU таснифида собик Европа чемпиони, профессионал рингда бирор марта ҳам енгилмаган, келиб чиқиши италян бўлган германьялик Франческо Пианетага қарши ҳимоя жангини ўтказадиган бўлди.

Пианета бир неча йил аввал польшалик Альберт Сосновский билан дуран қайд этган, кейинроқ Виталий Кличкони нокаутга ҳам учратганди. Навбатдаги жанг ҳам қизқарли ўтиши аник.

### КУМУШДАН СЌНГ ОПТИН

Италиянинг Валь-ди-Фьемм шаҳрида ташкил этилган чанги спорти бўйича жаҳон чемпиони доирасида эркин усулда 15 километр масофага пойга мусобақалари ўтказилди.



Унда норвегиялик спортчи, олимпиада чемпиони Петтер Нортуг олтин медални кўлга киритди. Нортуг сўнгги 35 дақиқада рақибларига нисбатан фалок ҳаракат қилди.

Ундан 12 сония ортда қолган швейцариялик Йохан Олссон кумуш медал билан тақдирланди. Бронза медал эса бошқа бир норвег спортчиси Тор Слесе Гьордаленга nasib этди. У ғолибдан 22 сонияга кечикди. Нортуг мазкур жаҳон биринчилигида қатарасига иккинчи медални кўлга киритди. Бироз аввал у спорти бокс-ларида кумуш медалга сазовор бўлганди. Умумий ҳисобда эса Нортуг саккизинчи марта чемпион деган шарафга эришди.

### Bolalar sporti

## 13 ЁШЛИ ҚОРА БЕЛБОҒ СОҲИБИ

спорт орқали саломатлигини тиклаб, чемпион бўлишга ҳам улгурди

Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб фойеси ўқувчилар билан гавжум. Танаффус чоғида улар ангидан тайёрланган «Мактабимиз ифтихорлари» стендидаги тенгдошларига ҳавас қилишаётганини сезиш қийин эмас. Ана шу иқтидорли ёшлар орасида 13 ёшли тазквондочи Жавоҳир Тошпўлатов ҳам жилмайиб турибди...

Президентимизнинг «Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда ўғил-қизларимизнинг ёшлик чоғидан ҳисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, ҳеч қандам кам бўлмасдан юксак спорт чўққиларини эгаллаши алоҳида ўрин тутади», деган сўзларининг ҳаётий тасдиғи Жавоҳир сингари минглаб ўғил-қизлар ми-солида намoён бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Спортнинг қайси тури билан шуғулланмасин, навқирон авлод вакиллари учун барча шарoитлар, имкониятлар яратилган. Республикаимизнинг барча ҳудудида барпо этилган спорт мажмуаларида бугун келажақнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол эгалари улғайишини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тўққиз ёшидаёқ тазквондонинг VTF йўналиши бўйича 2-ДАН қора белбоғ соҳиб бўлган Жавоҳир шундай отукқа эришган ўзбекистонлик спортчилар орасида энг ёш тазквондочи ҳисобланади.

— Жавоҳирга беш фарзандимдан айрилганман, — дейди спортчининг онаси Мухайё Бердиева. — Аммо сабр қилдим.

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси баҳсларига старт берилди. Унда юртимизнинг икки етакчи жамоаси: «Пахтакор» ҳамда «Бунёдор» ўз муҳлисларини қувонтирди. «В» гуруҳидан ўрин олган ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифок» жамоасини 1:0 ҳисобида енгган бўлса, «Г» гуруҳига жойлашган «Калдирғочлар» сафарда Япония суперкубоғи соҳибига «Санфречче Хиросима» клубини 2:0 ҳисобида мағлуб этди.

2-тур доирасидаги матччи «Пахтакор» 12 март куни сафарда Бирлашган Араб Амирликларининг «Аш-Шабаб» жамоасига, «Бунёдор» эса 13 мартда ўз майдонида Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерс» жамоасига қарши ўтказди.



Шукрки, олтинчи боламини дунёга келтирдим ва у ҳаётимизга мазмун бағишлади. Шу боис, ягона фарзандимизни еру қўкка ишонмай, асраб-авайлаб улғайтира бошладик. Бироқ уч ярил ёшлигида Жавоҳирни кўрқидан ўтказгани тиббий муассасага бoרגани-мизда, шифокор болаимизнинг яс-сиоёқлиги ҳамда мушакларининг эластиклиги хусусияти паст эканини айтди. Бирдан ташвишга тушдик. Хайриятки, спорт бу борадаги мушкулимизни осон қилди.

Шифокор маслаҳати билан Мухайё опа уч ярил ёшли фарзандини Сергели туманидаги 317-мактаб спорт залида ташкил этилган «Экстрим» тазквондо клубига етаклаб борди.

— Жавоҳир — менинг биринчи шогирдим, — дейди мураббий Алишер Абдуллаев. — Очиғи, янги иш бошлаганим ва тажрибасизлигим учун уч ярил ёшли болақайни шуғуллантиришга ўйланб қолдим. Ҳаракатларим самара беришига ишонмагандим. Аммо ота-онасининг далдаси, илтимоси билан уни секин-аста тазквондо оламига олиб кирдим. Буни қарангки, қисқа вақт ичида Жавоҳирда кутилмаган ижобий ўзгаришлари кузатдик. Орадан бир ярил йил ўтгач, у мутлақо соғайиб, яссиоёқлидан фoриг бўлди. Мана, 10 йилдики, шогирдим турли мусобақаларда қатнашиб, кўша-қўша медалларга сазовор бўлмоқда.

Бугун А.Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Экстрим» спорт клубида жами 35 нафар ўғил-қиз Шарқ яккакурашлари сирларини ўрганмоқда. Улар ҳафтасига уч марта машгулотларда иштирок этади. Ёш тазквондочиларнинг ота-оналари эса мураббийнинг саъй-ҳаракатларидан мамнун.

Айни дамда Жавоҳир 3 март куни ўтказиладиган шаҳар биринчилигида ҳозирлик кўрмоқда. Агар мазкур мусобақада ғалаба қозонса, у 3-ДАН қора белбоғ сари ишончи қаддам ташлайди. Келажакда Олимпиада чемпиони бўлиб, юртимиз номини халқаро майдонларда муносиб шарафлашши орзу қилаётган Жавоҳир Тошпўлатовга омад ёр бўлсин.

### Зоҳиджон ХОЛОВ

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

# «SHARQ» NAHRIYET-MATBA'A AKTSIYADORLIK kompaniyasi taqdim etadi



## ЎҚУВЧИЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори, шунингдек, 2011 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиши баёнида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, «SHARQ» наҳрийет-матбаа акциядорлик компанияси ва унинг таркибидagi китобсавдо тармоқлари билан ҳамкорликда 4 номдаги дарсликлар нашрга тайёрлаиб, эркин савдога чиқарилди.

Айни кунларда «Mehnat ta'limi» (2-, 3-, 5-синфлар), «Tasviriy san'at» (5-синф) дарсликлари «SHARQ» компанияси тасарруфидаги «SHARQ ZIYOKORI» китоблар марказининг марказий дўкони ҳамда вилоятлардаги филиалларида сотилмоқда.

Дарсликлар танлов асосида яратилган бўлиб, мавжуд ўқув дастурлари ҳамда амалдаги давлат таълим стандартларига мос равишда chop этилган. Ушбу дарсликлар мамлакатимизда ёш авлодни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўргатувчи муҳим манба бўла олади.



Мурожаат учун телефонлар:

(+99 895) 177-2014;

(+99 871) 233-3590;

(+99 871) 233-5872

web sayt: [www.sharq.uz](http://www.sharq.uz)

[www.nafisbezak.uz](http://www.nafisbezak.uz)

*Наҳрийет*



### УШБУ КИТОБЛАРНИ «SHARQ ZIYOKORI» КИТОБЛАР МАРКАЗИНИНГ МАРКАЗИЙ ҲАМДА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ДЎКОНЛАРИДАН СЎРАНГ!

<b>Андижон шаҳри:</b> Фитрат кўчаси, 245-савдо мажмуаси, 2-қатор, 40-дўкон.	8 374 224-3291; +998 (95) 200-8644; +998 (95) 200-4803; +998 (91) 483-1167	<b>Марийлон шаҳри:</b> Мустақиллик кўчаси.	8 373 233-3683; +998 (98) 576-5599
<b>Бухоро шаҳри:</b> Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй.	8 365 223-7596; +998 (93) 620-2333	<b>Гулистон шаҳри:</b> Мустақиллик кўчаси, 81-уй.	8 367 225-1299; +998 (90) 509-7252
<b>Жиззах шаҳри:</b> Шароф Рашидов кўчаси, 1-уй.	8 372 226-4293; +998 (90) 538-1600	<b>Термиз шаҳри:</b> Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.	8 376 223-1104; +998 (93) 636-6868; +998 (93) 638-3858
<b>Навоий шаҳри:</b> Ўзбекистон кўчаси, 14-уй.	8 436 223-0130; +998 (95) 603-4513; +998 (90) 730-1234; +998 (90) 717-8608	<b>Қарши шаҳри:</b> Ўзбекистон кўчаси, Марказий универмаг биноси.	8 375 227-7700; 8 375 225-3279; +998 (98) 776-4101; +998 (98) 777-4101; +998 (98) 777-4101;
<b>Наманган шаҳри:</b> Навоий кўчаси, 36-уй.	8 369 226-4964; +998 (93) 494-6873	<b>Ташкент шаҳри:</b> «Ўрда», Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй.	8 371 241-2590; +998 (94) 698-7979; +998 (90) 982-6941
<b>Нукус шаҳри:</b> Адыр Дўстларова кўчаси, 85-а уй.	8 361 222-3239; +998 (93) 614-3932; +998 (93) 489-2522	<b>«Бодомзор», Юнусобод тумани,</b>	8 371 234-6085;
<b>Самарқанд шаҳри:</b> Университет хибони, 15-уй.	8 366 239-1468; +998 (90) 224-2954	<b>Бовишамол кўчаси, 8-уй.</b>	+998 (91) 163-6018;
<b>ОРАКМ, Мустақиллик кўчаси, 48-уй.</b>	8 366 233-1763; 8 366 390-1763	<b>«Фарҳод», Учтепа тумани,</b>	+998 (95) 177-2013
<b>Хива шаҳри:</b> «Ичан қалъа» Давлат қўриқдонаси.	8 362 375-4308; 8 362 375-6928; +998 (91) 431-5787; +998 (91) 917-6960	<b>Фарҳод кўчаси, 58-уй.</b>	+998 (93) 902-1175
<b>Фарғона шаҳри:</b> К. Додхоҳ кўчаси, 2-уй.	8 373 275-8765; +998 (95) 400-4468; +998 (91) 666-0077	<b>«Беруний», Шайхонтоҳур тумани,</b>	8 371 296-0826
		<b>Беруний кўчаси, 12-уй.</b>	+998 (90) 958-8239
		<b>«Авнасозлар», Ҳамза тумани, Исмоилов кўчаси, 22-уй.</b>	8 371 296-0826
		<b>Ташкент Давлат педагогика университети</b>	+998 (90) 958-8239
		<b>«Миллий кутубхона»,</b>	
		<b>Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, 1-уй.</b>	+998 (93) 394-8988

## Ma'rifat

### TA'SIS ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим, сан ва маданият ходимлари касба uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

ИНДЕКС: 149, 150, Г-318.

Тиражи 65148.

Hajmi 4 bosma taqob.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifatdan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat raxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: [www.marifat.uz](http://www.marifat.uz)

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—236-53-16, fan, oliy va o'rta ma'xsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi—236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi—236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi—236-55-58, reklama va marketing bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:  
Ma'mur AXLIDINOV,  
Liliya BINASHEVA.

Navbachi muharrir:  
Xulkar TO'YMANOVA.

Navbachi:  
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili:  
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 21.40  
Topshirildi — 23.05